

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

қўлёзма ҳуқуқида

УДК 687.4.022(575.1)

АБДУВАҲОБОВ БАҲОДИР ЮСУПОВИЧ

Амалий санъат музейидаги дўппилар коллекцияси

5A210204 – Тасвирий ва манзарали амалий санъат

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: Санъатшунослик
фанлари доктори К.Б. Акилова

Тошкент-2009

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-12
I БОБ. Дўппидўзлик санъати тарихи	13-20
1.1. Ўзбекистонда дўппидўзлик санъатини пайдо бўлиши.....	21-27
1.2. XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистон дўппидўзлик санъатининг ривожи.....	27-34
II БОБ. XIX аср охири XX аср бошларида дўппидўзлик мактабларининг бадий ўзига хослиги	35-43
2.1. Ўзбекистон ҳудудидаги бадий мактабларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	43-50
2.2. Бадий мактабларнинг бир-биридан фарқи.....	50-58
III БОБ. Дўппидўзлик санъатида қўлланиб келинаётган нақшлар	59-65
3.1. Дўппиларда қўлланилган нақшлар ва уларнинг рамзий маънолари.....	65-73
3.2. Дўппиларда қўлланилган хом ашё.....	73-77
ХУЛОСА	78-81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	82-85
Иллюстрациялар рўйхати	86-87
Иллюстрациялар	88-109
Атамалар луғати	110-112

КИРИШ

«Миллий бойлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз ҳам уни кўз қорачигидай асраб-авайлашимиз ва фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак».¹

*Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Мустақил давлат деб эълон қилинган дастлабки кунларданок Президентимиз И.А.Каримов халқимизнинг собиқ шўролар даврида эътибордан четда қолган ўзига хос кадриятларни чуқур ва атрофлича ўрганишга аҳамият бериб, уни тиклаш, ундан халқни кенг манфаатдор қилиш тамойилларини ишлаб чиқди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ислохатлар ўтказиш, жумладан маънавий ва маърифий соҳада, халқ тизими соҳасида улкан ишларни амалга оширишга киришилди.

1994 йил 23 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика музейлари фаолиятини яхшилаш, чоратадбирлари тўғрисида”ги 618-сонли, 1998 йил 5 декабрдаги “Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари”га оид 98-сонли қарорлари ва Ўзбекистон Республика Президентининг 1998 йил 12 январдаги 1913-сонли “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.² Уларда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан музей фондлари, экспозицияларни қайта қуриш, чет эл йирик

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон. 1995. 2-бет.

² 1998 йил 5 декабрдаги “Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари”га оид 98-сонли Қарор. ЎзБР Президентининг 1998 йил 12 январдаги 1913-сонли “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони “Мозийдан садо” журнали., -Т.:1999 йил. №1-2. 2 -бет.

музейлари билан шартномалар тузиш ишлари олиб борилмоқда. Музей ишини ривожлантиришда алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган бир қанча омиллар бор. Чунончи музейлар воситасида ёшлар онгида:

– миллий гурур, миллий онгни юксалтириш учун унутилган тарихимизни қайта тиклаш.

– ёш авлодни буюк аجدодлар номи ва меъроси билан фахрланишга ўргатиш ва анъаналарнинг давомчиси этиб тарбиялаш.

– миллий қадриятларимиз асосан демократик, ҳуқуқий, қудратли Ўзбекистон давлатини барпо этиш, ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш лозимдир.

Шуларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Халқ амалий санъатининг шаклланган даврини чуқур ўрганиб чиқиш зарур бўлмоқда. Буни ўрганиш эса ўз-ўзидан бадий йўналишдаги музей тўпламларидаги XIX аср охири ва XX аср бошларидаги халқ амалий санъатининг кам ўрганилган турларидан бири дўппидўзлик санъати билан танишиб чиқиб, уни ўрганиш лозимлигини белгилаб берди. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги амалий санъатнинг энг катта қисми асосан Тошкентдаги Ўзбекистон Амалий санъати музейи коллекциясида сақланиб жаҳон эътиборини жалб этмоқда. Коллекция мазмунан жуда бой, амалий санъатнинг барча турлари намойиш этилган. Бу ноёб коллекция Ўзбекистон амалий безак санъатида турли марказ ва мактабларнинг шаклланишини озми-кўпми очиб беришга хизмат қила олади. Дўппидўзлик санъати тарихи, уни ўзбек либосининг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқиш, ўзбек халқ амалий санъатининг анъанавий кўриниши билан танишиб чиқишни лозим топдик. Бу санъат тури кам ўрганилган. Унинг намуналари Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ва Ўзбекистон Давлат санъати музейида сақланиб, тарихий ривож кўпроқ ёритилиб берилган. Шунингдек, Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳридаги И.В.Савицкий номли Давлат санъат музейида сақланаётган қорақалпоқ дўппиларининг намуналари ҳам диққатга сазовор. Коллекциядаги дўппиларнинг бадий

кўриниши, каштачилик техник услублари ва усуллари етарли даражада ўрганилган ва томошабин учун тушунарлидир.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон амалий безак санъатида дўппидўзлик санъатининг шаклланиш ва ривожланиш муаммолари Ўзбекистон санъатшунослари томонидан кенг ўрганилмоқда, лекин шу пайтгача мутахассислар томонидан Ўзбекистон Амалий санъат музейининг алоҳида бўлими дўппидўзлик санъати тарихи бўлими, XIX аср охири – XX аср боши ва бугунги кундаги кўриниши илмий нуқтаи назардан етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгач унинг тарихи, маданий меъроси, қолаверса XX аср санъатидаги босқичларини ўрганиш янги, объектив, миллий мустақиллик мезонларига асосланган ҳолда ёритилиши ва таҳлил этилиши муҳим илмий вазифага айланмоқда. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон амалий безак санъатининг ижтимоий ўзгаришлар кесимида шаклланиши, бу жараённинг ўзига хослиги ва миллий маданиятимиз тарихидаги ўрнини ўрганиш долзарб илмий мавзудир.

Амалий безак санъатининг Ўзбекистонда пайдо бўлиши ва ривожланиши мураккаб тарихий даврларга тўғри келди. Атиги бир асрлик тарихга эга бўлса ҳам, Ўзбекистоннинг XIX аср охири ва XX аср бошидаги халқ амалий безак санъати ижтимоий нуқтаи назардан оғир ва мураккаб вазиятларга учраганига қарамай, ўзининг бадиий шакл ва мазмунан кизиқарли бадиий жараёнини кечирди.

XIX асрнинг 80 йилларида хонаки саноатга техник ускуналар кириб келиши, асосан каштачилар, заргар ва ёғоч ўймакор усталарнинг ишига енгиллик киритди. Усталар бадиий буюмларни ишлаб чиқаришда янги ашё, бўёқлар ва янги усулларни қўллайдилар. Аммо буюмларнинг бадиий безак бериш даражаси анча пасаяди, уларни ишлаб чиқаришда муддатни тезлашуви маҳсулотнинг моддий қийматини пасайиб кетишига олиб келади. Шу даврда амалий санъатда янги мактаблар ривожланиши ва ҳар бир

худудда ўзининг услуги ва кўриниши шаклланди. Амалий безак санъатида давр руҳи қонунларининг таъсири кам бўлди. Бу халқ усталарининг бадиий ижодида мавзу ва жанрлар доирасини кўпайтиради. Асарларда тасвир ва оддий нақшлар янги, замонавий нақшлар билан бойитилди. Улар яратган бадиий мерос миллий санъатимизнинг олтин саҳифаларини ташкил этади.

Амалий санъат – халқнинг турмуш санъатидир. Унинг энг муҳим белгиси бадиий ижод билан моддий талабнинг чамбарчас боғланганлигидадир; бадиият ва амалий заруриятнинг ўзаро узвий боғлиқлиги уларнинг ғоявий-бадиий ва ижтимоий-амалий моҳиятларининг бирлигини вужудга келтиради. Шу жараёни ўрганилиши, тадқиқ этилиши бу даврда яратилган асарларни тўла билишга боғлиқ, ваҳоланки бугунги кунгача XIX - XX асрга оид кўпгина амалий санъат намуналари мутахассислар учун номаълум бўлиб, музей захираларида сақланмоқда. Демак, илмга янги, ўрганилмаган дўппидўзлик асарларини киритиш жараёни бу йирик санъат даврининг тўғри ва объектив ечилишида муҳим аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга тегишли даврда содир бўлган бадиий жараёни ўрганишда муаллифлар В.Долинская, П.Зохидов, Т.Қодирова, Т.Силантьева, Р.Такташ, А.Умаров, Д.Фахретдинова. Л.Ремпелларнинг бу даврга бағишланган **«Искусство Советского Узбекистана»** нашрида XIX-XX аср (1917-1924 йй)да Ўрта Осиёда кечган тарихий бадиий жараён ва амалий безак санъатига бўлган таъсири тўғрисида маълумот олинди. **И.Богословская, Л.Левтееваларнинг “Тюбетейки Узбекистана XIX-XX веков”** нашрида дўппиларнинг ўзбек либосининг ажралмас бадиий қисми сифатида ҳамда Ўзбекистон амалий безак санъатининг анъанавий кўринишига умумий таҳлил берилган. Нашрнинг ҳар бир бўлимида дўппининг асосий хусусиятлари очиб берилган – дўппидўзлик санъатининг тадрижий

ривожи, техник услублари, қўлланилган нақш ва ранглар семантикаси ва ҳоказолар. Муаллифлар китобни тузишда кўпгина санъатшунос этнографлар билан биргаликда Ўзбекистонда вужудга келган каштачилик марказлари, айти пайтда дўппидўзлик санъатининг бадиий мактабларини аниқлашда катта ҳисса қўшдилар.

И.Богословскаянинг “Тюбетейки Узбекистана XIX-XX веков” альбом китобида XIX-XX асрлар даврига оид тарихий бадиий жараён, усталарнинг ижоди ва уларнинг яратган дўппидўзлик асарлари илмий жиҳатдан муқаддимасида кенг ёритилган. Бу альбом китоб мавзунини қай тарзда ўрганиш ва ёритиб беришга катта ёрдам берди. Ундан ташқари бу олиманинг ушбу мавзудаги Санъат журналидаги мақоласи, умуман «Санъат» журнали ва турли рўзномаларда чоп этилаётган илмий оммабоп нашрлардан фойдаланилди.

Ундан ташқари мавзуга тегишли бадиий жараённи ўрганишда Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг собиқ ва ҳозирги кунда Амалий санъат музейининг бош хазинабони **Комил Турсуналиевнинг “Все цвета радуги”** номли каталогидаги XIX-XX аср ўзбекларнинг бош кийими ва дўппилари ҳам ўрганилиб чиқилди. Унда Ўзбекистонда шаклланган дўппидўзлик мактабларининг ўзига хос хусусиятлари очилган. Ҳамда Ўзбекистон тарихи Давлат музейи коллекцияси - Чуст ва Марғилон, Қўқон ва Шахрисабз, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Сурхондарё, тожик дўппиларининг худудий фарқи, турли ёшга мўлжалланганлиги, нақшлар ва услублари, каштачи аёлларнинг бой тассавур ва нозик дид билан бажарилган дўппилар тўплами берилган. Аммо нашрдаги полиграфик сифати пастлиги, ранглар қора тусда ҳамда қисқа матн билан берилиши, барча дўппиларни батафсил ёритишга имкон бермаган.

К.Акилованинг “Народное декоративно-прикладное искусство Узбекистана. XX век” китоби санъатшунослар, тарихчилар,

маданиятшунослар, халқ усталари ва китобхонларнинг кенг оmmasига мўлжалланган. Мазкур китобда халқ амалий санъатнинг долзарблиги, XX аср амалий санъатдаги анъаналар давомийлигининг муаммоси бутун мажмуасида берилган, шунингдек Фарбий Оврўпо тарихида халқ санъатининг ривожланиш муаммоси, Россия тарихий контекстида халқ санъатини маданий воқеа сифатида тадқиқ этиш ва Ўзбекистонда бу санъат турини ўрганиш муаммолари каби масалалар турибди. Бадиий ўзига хослик аспектида маҳаллий марказлар, ислом поэтикаси ва Ўзбекистон халқ санъати, замонавий арт – бозор кўринишида халқ амалий санъатини ўрганишдаги ижтимоий аспекти каби масалалар ёритилган.

ЮНЕСКО ташкилоти томонидан нашр этилган, муаллифлар Ш.Абдуллаева, Г. Турсунова, К.Мусабаеваларнинг **“Каштачилик”** тикиш ва безаклар бўйича ўқув қўлланмасида, жамоат таълим марказларида ўзбек халқ амалий санъатининг нодир намуналаридан бўлган каштачиликни тикув машиналари ёрдамида тикишга ўргатиш ва шу орқали ушбу амалий санъат турини оммалаштиришга мўлжалланган. Мазкур қўлланмада каштачилик тарихи, услублари, техникаси, миллий анъаналарга хос қирралари каби масалалар ёритилган. Қўлланмада бошланғич ва анъанавий безаклар, ҳақида маълумотлар берилганлиги сабабли, у нафақат ўрганувчилар, балки мутахассислар учун ҳам фойдалидир.

“Ўзбек халқ амалий санъати” номли катта китобда Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ва И.В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санъати музейи коллекцияси тақдим этилган. Унда амалий санъатнинг кулолчилик, гиламдўзлик, заргарлик, каштачилик ва бошқа турлари бевосита сифатли рангли иллюстрация орқали кўрсатилиб, асарларни бадиий шакли ва ифодавий воситаларини аниқ кўриш имконини беради. Хусусан, дўпиларнинг хилма-хиллиги – қуббасимон, тўртбурчак, думалок,

гумбазсимон шакллари, уларнинг кашта безакларининг бойлиги баъзан тўрсимон, баъзан йирик рельефли, баъзан гиламга ўхшаш тус олиши, одми оқ-қорадан тортиб камалаксимон жилोलанишигача рангларининг анвойи товланиши –ўзбек бош кийимининг хилма-хиллигини кўрсатади. Умуман, XIX аср ва XX асрнинг бошларида дўппиларда ҳар хил маҳаллий хусусиятлари шу қадар аниқ берилганки, уни кийган кишининг асли қаерданлигини аниқлаш осон бўлган.

Ю.Н.Солонин ва М.С.Каганларнинг олийгоҳлар учун мўлжалланган **“Культурология”** дарслиги, маданият соҳасида билимни кенгайтиришда, унинг асосий муаммоларини системали ўрганишда ёрдам беради. Ҳозирги жаҳон миқёсида маданият ва унинг муаммоларини таҳлил этишга катта аҳамият берилган.

Г.Григорьевнинг “Тус-тупи” асарида ҳам дўппиларнинг нақшинкорлиги, маҳаллий хусусиятлари, бадий кўринишлари ҳам жуда ифодали баён этилган. Унда Ўрта Осиё амалий санъати тўғрисида кўп маълумотлар олинди.

Шуни айтиш жоизки, ҳозирги кунда бутун дунёда музей иши соҳаси жиддий ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Юзага келган ижтимоий қайта қурилишлар музей иши соҳасида кўплаб амалий ва назарий муаммоларни долзарблаштирамоқда. **Т.Ю.Юрневанинг “Музееведение”** монографияси ушбу соҳа тизимида алоҳида бир узвийликни, асосий муаммолар ва уларнинг ечимларини кўрсатиб ўтади.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Магистрлик диссертациянинг мақсади Ўзбекистон Амалий санъат музейининг XIX аср охири ва XX аср бошига тегишли коллекциясини таҳлили асосида Ўзбекистон амалий безак санъати мактабининг дўппидўзлик турининг шаклланиш даври муаммосини ўрганиш ва шу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар олинди:

– тарихий ва ижтимоий ўзгаришлар кесимида Ўзбекистон амалий безак санъатининг дўппидўзлик турини энг муҳим шаклланиш даврини ўрганиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш.

– Ўзбекистон Амалий санъат музейида XIX аср охири - XX аср бошида коллекциясининг шаклланиш тарихини тадқиқ этиш.

– ҳозирги кун музей фаолиятида заҳира тизимининг аҳамияти, унинг иш юритилиши ва санъат асарларини жумладан, амалий санъат асарларини сақлаш ва намойиш этиш муаммоларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти этиб, замонавий ижтимоий маданиятда тўлақонли фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Амалий санъат музейида мавжуд бўлган XIX аср охири XX аср бошига тегишли дўппидўзлик санъати коллекцияси танланди. Айнан Ўзбекистон Амалий санъат музейининг дўппидўзлик санъати коллекцияси асосида Ўзбекистон миллий каштадўзлик мактабининг шаклланиш даври ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– Илк бор Ўзбекистон музей иши ва музейдаги ноёб коллекциялар тарғиботи-ташвиқотидаги долзарб муаммоларни Ўзбекистон Амалий санъат музейи материаллари асосида муҳим бўлган бадиий ва ижтимоий-маданий жараённи тарихий-сиёсий кесимида таснифланди.

– Мустақиллик йилларида илк бор Ўзбекистон Амалий санъат музейи каштачилик коллекцияси ҳозирги кунда бадиий маданиятнинг феномени деб ўрганилди.

– музей фаолиятида фондларни сақлаш муаммолари ва экспозиция тизими ўрганилди.

– ҳозирги кунда Ўзбекистон амалий санъат мактабига оид каштадўзлик асарлари коллекцияси янгидан илмий тавсифланди.

– Ушбу тадқиқотда музей иши муаммоларини илмий ва амалий жиҳатдан ёритишда янги услубий ёндашувлар қўлланилди ва XIX-XX

асрларда ижод этган усталарнинг бир қатор номаълум асарлари илм муомаласига киритилди.

– Музей коллекцияларини кенг жамоага тарғиб этиш йулларини излаб, оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистон Амалий санъат музейидаги каштадўзлик коллекцияси тўғрисида бир қатор телекўрсатувлар тайёрланмоқда.

Тадқиқот манбаалари: Музей ишига оид қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакатимиз ва чет эл олимларининг илмий ишлари, вақтли нашрларда чоп этилган материаллар, кутубхоналар, Ўзбекистон Амалий санъат музейи фонди, архиви ва экспозициясидир. Асосий ўринни ушбу илмий иш муаммосига оид материалларни тўплашда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Амалий санъат музей ходимлари, усталар, санъатшунослар, кенг томошабинлар оммаси билан олиб борилган касбий мулоқатлар муҳим ўрин тутди.

Тадқиқот услубияти. Илмий ишнинг изланилишида санъатшунослик ва музейшунослик мутахассисликлари йўналишлари назарий ва амалий аҳамиятлари инобатга олинган ҳолда, узвий тарзда яъни боғлиқ ҳолда қўлланилди. Услубий база, фактологик, объектнинг тарихий мажмуаси ва систематик – таҳлилий принципларига таянади. Дўппидўзликнинг халқ амалий санъатининг бир қисми сифатида ўрганилиши, бадий анъана эволюцияси, бадий қонун, маҳаллий мактаблар, нақшлар трансформацияси муаммоларини долзарблаштирди. Шу билан биргаликда ушбу диссертация ишида музейшуносликка оид бўлган методологик принциплар, шу жумладан фонд ва илмий тадқиқот ишларига оид методологик асослар қўлланилган.

Илмий ишнинг назарий аҳамияти. Ушбу илмий тадқиқот ишида илк бор янги тарихий-сиёсий, ижтимоий-маданий, иқтисодий ва назарий услубнинг янгиланиши зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги кунда муаммолар долзарблиги кўриб чиқилади. Миллий мафкура, бугунги кун талаблари кесимида бадиий тарихий жараён янги материаллар асосидаги таҳлили берилган.

Илмий ишнинг амалий аҳамияти. Илмий ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда баён этилган вазиятларни Ўзбекистон Амалий санъат музейи иш фаолиятида ва у билан бевосита боғлиқ Ўзбекистон амалий санъати мактаби вакилларининг ижоди ва асарлари ўрганилиб, уларнинг тарғиботи ва ташвиқоти ушбу музей фаолиятида амалга ошириш кўзда тутилди. Диссертациянинг материаллари бадиий ўқув муассасаларидаги талабалар учун тайёрланган Ўзбекистон санъати бўйича дастурларда ишлатилиши мумкин.

Диссертациянинг тузилиши. Магистрлик диссертацияси олдига мақсад ва вазифа қилиб қўйган умумий концептуал йўналишга жавоб берган ҳолда Кириш, учта Боб, Хулоса, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати, Иллюстрациялар рўйхати, Иллюстрациялар ва Атамалар луғатидан иборат.

I БОБ. Дўппидўзлик санъати тарихи

Ўзбек халқи кўп асрлар давомида дунёга шухрати кетган ажойиб безак санъатини вужудга келтирди. Бу санъат жуда ранг-баранг, гўзал ва бойдир. Ўймакорлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, меъморчилик ва кулолчилик, металлга нақш чизиш (кандакорлик) ва заргарлик, матога гул тикиш ва гул босиш, зардўзлик ва юрмадўзлик кабилар Ўзбекистонда ривож топган безак санъатининг айрим турларинигина ташкил этади.

Ипакчилик қадимги даврлардан тараққий этган, мамлакатимизда каштачилик халқ ижодининг энг оммавий турларидан бири бўлиб келган. Буюмларга, уйларга безак бериш санъатининг барча соҳаларида тажрибали усталар ишлаган бўлсалар, каштачилик кўпроқ хотин-қизлар ҳунари ҳисобланган. Каштачиликда ҳам газмолга гул босиш ва кулолчиликдаги каби халқнинг турмуш таассуротлари ҳамда эстетик қараши ўз аксини топган. Ўрта Осиёнинг ўзбек ва тожик халқи турмушида чиройли тикилган чойшаблар, уй безаги ҳисобланувчи дарпардалар, дўппи, рўмол ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ҳамда турли безакли миллий кийимлар авваллари жуда кенг русм бўлиб, ҳозирда ҳам улардан фойдаланилади.³

Ўзбекистонда каштачилик халқ амалий санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади. Кашта тикилган буюмлар аҳоли уйларини безайди. Чиройли тикилган дўппи ўзбек эркак ва хотин-қизлари, болаларнинг ҳозирги замон кийимларига ўзига хос жозиба бериб туради ва миллий кийимнинг бир қисмини ташкил этади.

Ҳозирги кунда кашта тикилган безакли буюмлар турар жойларгагина эмас, балки жамоат бинолари, ресторанлар, меҳмонхоналарга ўзгача гўзаллик ва миллийлик руҳини бериб турибди. Ўз анъаналарини билан халқ турмушига чамбарчас боғланган нафис бадиий каштачилик Ўзбекистон безак санъатининг ажойиб ютуқларидан бири ҳисобланади.

³ Абдуллаева Ш., Турсунова Г., Мусабаева К. Каштачилик. -Т.: 2005. 2-бет.

Каштачилик санъатининг жуда кўп турлари мавжуд: катта сўзаналар, Шахрисабз ва Китобда кенг тарқалган ўзига хос услуб билан ироқи (тагдўзи) чокда тикилган гулдор буюмлар, ҳар бир туманда турлича тикиладиган дўппилар ва бир неча юз йиллик анъанага эга бўлган Бухоро зардўзлиги шулар жумласидандир.

Безак кашталар савдо ва ҳунармандчилик яхши ривожланган шаҳарларда, Ўрта Осиё деҳқончилик маданиятининг қадимги марказлари бўлган йирик қишлоқларда яратилган. Ўзбек халқи азалдан юксак маданиятга эга бўлган халқдир.

Тадқиқотчилар Ўрта Осиё қадимги вақтларда ҳам ўзининг гулли матолари билан машҳур бўлган деб қайд қиладилар. Булар ҳақида “Авесто”да, Искандар Зулқарнайн юришларини баён этувчи тарихчиларнинг китобларида, римлик муаллифлар асарларида ва хитой манбаларида маълумотлар бор. Айниқса, тўқимачилик саноати ҳақида Истаҳрий, Ибн Хаукала, Наршахий каби ўрта аср тарихчиларининг китобларидан кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Улар Марв, Бухоро, Самарқанд, шунингдек Ўрта Осиёнинг бошқа савдо ва ҳунармандчилик марказларида тўқиладиган ҳамда бошқа мамлакатларга олиб бориб сотиладиган ип ва жун газламалар ҳақида ҳикоя қиладилар.

Манбаларда, хусусан, каштачилик ҳақида тўхталиб ўтилмайди. Ноин-Улададаги (Шимолий Мўғулистон) хунлар саркардасининг мақбарасидан топилган чавандоз гавдаси, одам юзи ва ўсимликсимон нақшли қадимги жун чодирлар катта эътиборга сазовордир. Ундаги тасвир жонли ва катта маҳорат билан ишланган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, чодирлар эрамиздан аввалги иккинчи асрларда тикилган бўлиб, ҳозирги жанубий Ўзбекистон ва Тожикистон ерларида яшаган қадимги бақтрияликлар томонидан яратилган.

Ўзбекистон ва Тожикистоннинг қадимги деҳқончилик марказлари бўлган Хоразм ва Сўғд ерларида илмий тадқиқотчилар томонидан топилган наққошлик санъати ёдгорликлари ҳам қадимги Ўрта Осиёнинг гул солинган

матолари ҳақида аниқ тасаввур бера олади. Бунда жумладан, қадимги Хоразм хонларининг саройларидан бири Тупроққалъадаги (эрамизнинг III асри), Сурхондарё вилоятидаги Болаликтепа мозори нақшлари (эрамизнинг V асри). Бухоро амирларининг Вараҳша қалъасидаги VII- VIII аср ўймакорлиги ва Панжикент қалъасидаги нақшлар назарда тутилади.⁴

Эрамизнинг III – VIII асрлардаги ганчкор нақшлар ўрганилганда уларнинг халқ ижоди ва XIX аср кашталари билан боғловчи хусусиятларини кўриш мумкин. Бу ўхшашликни Хоразм экспедицияси раҳбари С.П.Толстов катта эътибор билан ўрганиб чиққан. Хоразм наққошлиги ўзига хос хусусиятга эга. Улар ҳозирги Ўрта Осиё халқлари, яъни ўзбек, тожик, қорақалпоқ, қозоқларнинг тўқимачилик безакларини эслатади. Биз бу каби умумий ўхшашликни Хиванинг босма гул солинган қолипларида, ўзбек ва тожикларнинг сўзаналарида, қорақалпоқнинг наматдан ишланган буюмларида кўрамиз. Албатта, III-VIII асрлар нақш унсурларини ҳеч ўзгаришсиз XIX халқ ижодига кўчган деб бўлмайди. Нақш шаклларининг турғун бўлиши ҳам буни исботлай олмайди. Ўхшашлик айрим нақшларнинг баъзи мавзуларида, композицион тузилишларда ва асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган рангларнинг бир-бирига уйғунлигида кўринади. Кейинроқ, XIX аср кашталари ҳақида гапирганимизда, уларнинг айрим нақшлари III-VIII асрлар кашталари нақшларига ўхшашлигини кўрамиз.

XIX-XX аср халқ санъатининг қадимги сўғдийлар ва хоразмликлар санъати билан яқиндан боғлиқлиги ҳозирги замон маданияти ўрта аср орқали қадимги маданиятга ворис бўлганлигини кўрсатади. Нафис газмол ва йўрмадўзлик санъати ўрта асрларда Темур ва Темурийлар (XIV – XV асрлар) султонлигининг маркази бўлган Самарқандда жадал ривожланди. Амур Темур саройида яшаган испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ўз китобида буларни тўла баён этган.

⁴ Абдуллаева Ш., Турсунова Г., Мусабаева К.Каштачилик.-Т.: 2005, 5-бет.

Юқорида келтирилган мисоллардан XIV – XV асрлардаги саройга қарашли Самарқанд боғларида чодир, шийпонлар қуришда қўлланган серҳашам безакли матолар, турли рангдаги матолардан қуроқ сингари хилма-хил жилваланиб турувчи чодирлар тикиш, қозоқ ва қирғиз халқининг кигизларга гул солиш усулини эслатиб туради ва бу нарса каштачилик билан алоқадордек кўринади. Шу билан бирга китоб муаллифи безакли нақшлар, бежирим тасвирлар ва гул нусхалари ҳақида ҳам айтиб ўтади.

Ўрта Осиё сарой ҳаёти, жумладан, нақшли матолар беаги XV- XVI аср Ҳирот ва Бухоро миниатюраларидан маълум даражада ўз аксини топган. Машҳур рассом Камолиддин Беҳзод ва Ҳирот рассомлик мактаби усталари яратган миниатюраларда серҳашам гулли чодирлар, шийпонлар, дарпардалар, гиламлар, от ва туя эгар-жабдуқлари тасвирланган. Беҳзоднинг “Темур тахтада” номли миниатюрасида тасвирлаган сарой аъёнларининг кийим-кечакларига зарҳал кашталар тикилган. Кашталарнинг кўпчилигини очилган гул тасвири ва катта-катта шакли нишонлар уйғунлигида ишланган нақшлар ташкил этади. Худди шу хилдаги гулларни қўлёзма асарлар беагида ҳамда ўрта аср меъморчилигида ҳам кўрамиз.⁵ Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг халқ амалий санъати намуналари тикланиб, ва шулар қаторида каштачилик чуқур ўрганила бошланди. Каштачилик асосида ривожланган дўппидўзлик санъати сўнгги вақтда амалий санъатнинг энг тарқалган ва оммабоп турига айланди.

Дўппилар ўзбек миллий либосининг ажралмас бир қисмини ташкил этади.

Санъатнинг бу тури ҳозирги кунгача тўлалигича сақланиб авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Қадимдан эркаклар дўппини жуда қадрлашган. Бировни дўпписини бошидан тушириб юбориш жуда қаттиқ ҳақоратлаш билан тенг бўлган. Кўпинча “Бошингда дўппинг борми?” ибораси билан тенглаштирилган. Эркаклар дўпписи аёлларникидан оддий нақши билан

⁵ Чепелевская Г.Л. Сузани узбекистана. –Т.: Гослитиздат, 1961. 25-бет.

ажралиб туради, аёлларники эса камалакнинг ҳамма ранглари билан безалган. Ўзбекистон халқ амалий санъатининг энг кўп тарқалган ва оммалашган тури – астари юмшоқ ёки қаттиқ бўлган дўппи – ўзбек миллий кийим-бошларининг ажралмас қисмларидан бири сифатида халқнинг ҳаётига, анъаналарига сингиб кетган. Шарқ мавзусига бағишланган шеърларда у ҳақда тез-тез эсланади. Ижоди Ўзбекистон билан чамбарчас боғланган рассом Александр Волковнинг шеърлари орасида мана бундай сатрлар бор:

*Эгри-бугри кўчаларда арава борар
Ғирч-ғирч қилар, остида куйлар чархпалак,-
Бухоронинг чанг-тўзони ва ипаклари!*

*Дўппи кийган болалар саватлар билан
Бақришиар, эшакларнинг ханграшлари хўб.
Эгалари хуштак чалар
Бухоронинг чанг тўзони ва ипаклари!⁶*

Дўппи нафақат А.Н. Волков балки ўзбек тупроғида яшаб ижод этган бошқа ажойиб рассомлар учун шунчаки экзотик буюм, кишилар тимсоллини тўлдириш учун колорит унсури бўлибгина қолмай, балки нимаси биландир Шарқ рамзи ҳамдир. Бу Ўзбекистон билан ўз тақдирини, ижодини боғлаган Усто Мўмин, П.Беньков, М.Курзин, Н.Кашина, О.Татевосян каби қатор ўзбек рассомларнинг асарларида сезилиб туради ва бадий сиймоларни очиб беришда муҳим аҳамият касб этди.

Кашта тикилган ўзбек дўппилари нафақат бизнинг юртимизда бошқа хорижий давлатларда ҳам жуда машҳур. Моҳир каштачи аёллар қўллари билан яратилган дўппилар кўпгина музейлар экспозициясини безаб келмоқда. Кашта тикилган дўппилар қаторида парча, бахмал ва бошқа нақшинкор матолардан тайёрланган дўппилар ҳам бор. Бундай дўппилар Хоразм, Бухоро, Тошкентда кенг тарқалган. “Шабпуш” номи билан

⁶ Богословская И., Левтеева Л. “Тюбетейки Узбекистана XIX-XX веков” – Т.: 2007. 5-бет.

юритиладиган пахта матоли дўппининг намунаси аввал кўлда, ҳозир эса машина ускунасида тикилади. У тунда, ётишдан аввал ҳамда қиш кунлари иссиқ телпак ичидан кийилган.

Дўппи туркий сўз *мена* маъносини бериб, у нафақат ўзбекларнинг балки Марказий Осиёда яшовчи халқларнинг ҳам миллий бош кийими ҳисобланади. Уни Афғонистон, Эрон, Туркия, Шинжон, Волга бўйи татарлари, бошқирд халқлари ҳам кийиб юришади. Дўппиларнинг умумий хусусиятлари сақланиб, улар орқали моҳир каштачи аёлларнинг ўзига хос индивидуал қирраларини бир-биридан ажратиш мумкин.

Дўппи тарихи узоқ арсларга бориб тақалади. Унинг юксак бадий хусусиятлари, кашталарнинг нақшинкор кўринишлари халқ ижодиётининг ажойиб намунаси сифатида ўзининг узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтганлигидан далолат беради.

Дўппини эслатувчи бош кийимларининг мавжуд бўлганлигини бевосита тасдиқловчи далилларни биз жуда қадимий ҳайкалтарошлик ёдгорликлари, деворий рангтасвирилар, сопол ҳайкалчалар, ислом дунёси даври XV-XVI асрлар китоб миниатюра тасвириларида кўришимиз мумкин. Бош кийимлар тасвирилари VI-VIII аср Панжикент рангтасвирида сақланган. Унда тасвирланган мўғил кишиларнинг бошини ўраб турувчи металдан ясалган бош кийимлар бор. Улар туркман қизлари дўпписининг кумушли тепа қисмига ўхшайди. Шунингдек, дашт эркаклари қабиласида тарихнинг ҳамма даврида кигизли ўқсимон қалпоқлар кенг тарқалган эди. Маълумки, “қалпоқ” ва “қалапоқ” термини кейинчалик самарқандча ўқсимон дўппига ўтиб, уни маълум генетик ўзаро алоқаси борлигини тасдиқлайди.

XV–XVI асрлардаги миниатюра тасвириларида матодан тикилган турли шаклдаги бош кийимлар эркаклар орасида машҳур бўлган. Улардан бири – ёни бўлмаган қалпоқ, околиш ва соябонсиз, бошнинг мия қисмига алоҳида бичилган қисми ташкил этган. Бичимнинг қулайлиги шундаки бош кийим турли баландлик ва шаклда бўлишига имкон берган. Қалпоқчалар астарли

бўлиб, тепаси бўйига чокланган, околиш эса энига, чоксиз ҳам бўлган. Матоли чокланган қалпоқчалар мўғуллардан олдинги даврда пайдо бўлди. Уларни ижтимоий қатламнинг барча вакиллари ҳам уйда ҳам кўчада кийишган. Иш кунлари одамлар кичкина силлиқ қалпоқчалар кийишган, бойлар эса чокланган ва попуқлар билан безалган баланд қалпоқларни кийиб юришган. Манбаларда қалпоқчалар, яъни дўппилар каштали бўлганлиги эслатилади. Қалпоқчалар сотув учун ҳам махсус тайёрланган, буни Самарқанд ва Бухорода сақланган кийим, оёқ кийим ва бошқа буюмлар учун мўлжалланган савдо расталаридан билиб олишимиз мумкин.⁷

Аёллар бош кийими ўзига хослиги ва ранг-баранглиги билан ажралганлиги тўғрисида XV–XVII аср Мовароуннахр миниатюраларидан кўришимиз мумкин. Самарқандда XVI асрда ёш қизалоқлар ва жувонларда асосан катта бўлмаган, атрофи қора бахмалли ва чокланган думалоқ дўппиларни кийиш урф бўлган. Шунингдек, кичкина, бошга ёпишган дўппига ўхшаш қалпоқчалар ҳам бўлиб, бир хилларида атрофи мўйнали эди. Уларни ҳам кийиш русм бўлган. Қалпоқча оппоқ ва қимматбаҳо тошлар билан безалган, қаттиқ, “пешонабанд”га қиёсланган бўлиши мумкин, унга текис тепа қисми тикилган. Бундай қалпоқчада энли чизиклари бўлиб, ҳар тарафини бир бири билан боғлаган. XVI асрда Бухорода аёллар найзасимон шаклдаги кичик қалпоқчалар ёки гумбазсимон тошлар билан безатилган каштали қалпоқчаларни кийишган. Қалпоқча пешанага баланд қилиб кийилган, атрофи маржонли эди. Затқлокда эса узун патлардан эгрет ёпиштирилган.

Хукмдор бошида турган кулоҳнинг тасвири, парфиялик шох Синатрукнинг (мил. Ав. 77-70 йй) кумушли драхма тангасида кўп учрайди. Кулоҳ атрофи маржонли тошларнинг уч қатори билан тикиб чиқилган. Силлиқ қалпоқчага ўхшаш бош кийим бошқа бактрия тангасида ҳам бор, масалан Фсейгахарис шохининг оболаси (эр. I аср охири - I аср бошл).

⁷ «Искусство Советского Узбекистана». 1917-1972. Коллектив авторов. - М.: 1976. 123-бет.

Бизгача етиб келган адабий манбаларда илк кулоҳнинг конуссимонли шаклли, чокланган турли намуналари – 15 асрда Тошкентда, 1355 йилда яшаб ўтган шайх Хованди Тохирнинг дарвишларга тегишли қалпоқ – кулоҳидир. Шайхнинг кулоҳи унинг вафотидан кейин авлодидан бўлмиш Саид Расул Саид Азизовнинг уйида Тошкентда сақланган, иккинчиси эса яъни оталари шайх Омар Богистонийнинг кулоҳи билан бирга сақланган. Иккила кулоҳ ҳам пахта матодан тикилган бўлиб, саллани устма-уст қўйилган шаклида бажарилган. Тепаси ўқсимон бурчаклар билан якунланади. Хованди Тохирнинг қалпоқчасида ифодали вертикал қавилган чоклари бор. Иккила қалпоқчанинг ён атрофи араб ёзуви билан кашталанган, тульялари эса ўқсимон афғон-хинд дўппиларига ўхшайди. Бу кулоҳлар ҳозирги кунда қаердалиги номаълум.⁸

Дўппидўзлик санъати тарихида машҳур бўлган яна бир намунаси Ўзбекистон тарихи Давлат музейи хазинасида, XVII асрда Бухорода яшаб ўтган таниқли дин пешвоси ва арбоби Шайх Мавлоно Шарифнинг дўппилар тоифасига мансуб бўлган ноёб кулоҳи сақланади. Кулоҳ Азизхон мадрасаси яқинидаги шайх мазорида узоқ вақт муқаддас буюм сифатида асраб келинган. Мозор бузилганда кулоҳ унинг авлодларига қайтарилган, кейин таниқли мутахассис-этнограф О.А.Сухаревага қўлига тушган, у эса 1960 йилда музейга сақлаш учун топширган. Кулоҳ пахтадан тўқилган матодан, учбаргли гул шакли чекилган тарзда тайёрланган. Унинг тепа қисмида тик ва ёнверидида кўндаланг қавиклар бўлиб, мато қаватини ва пахта астарини мустаҳкам ушлаб туради.

Шундай қилиб, ўтмиш тарихда дўппилар мавжудлиги ҳақида қолдирилган моддий манбалар орқали билиб олишимиз мумкин. Илк дўппиларнинг кўриниши, тарихий ривожига жуда қизиқарли ва уларни ўрганишда албатта музейлар коллекцияси ҳам ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди.

⁸ Богословская И., Левтеева И. “Тюбетейки Узбекистана XIX – XX веков”. – Т.:2007. 14-бет.

1.1. Ўзбекистонда дўппидўзлик санъатини пайдо бўлиши

Ўзбекистонда дўппидўзлик санъатини вужудга келиши сиёсий даврга тўғри келди, яъни Ўрта Осиё халқлари ҳаётида Октябр тўнтариши янги ижтимоий даврга асос солди.

Албатта, бу воқеа маданият ва бадиий санъатга ҳам бевосита ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Усталарнинг онгида янги дунёқараш, борлиқни эстетик англашнинг қайта кўриниши содир бўлади. Бадиий саноат, усталар меҳнатини ташкил этишда нотаниш усулларнинг қўлланилиши, янги бадиий саноат ишлаб чиқарилиши халқ усталарининг кўпчилигида мослашувни ҳосил қилади.

XIX-XX асрнинг тарихий шароитда халқ амалий безак санъати инқирозга юз тутиб, ўзининг эски қолипида ривожланади. Аммо октябрь инқилоби бу эски анъаналарни четга суради ва янги руҳ билан сингдирилган, халқ ижодиётининг янги кўринишини вужудга келтиради, усталар орасида мазмунли, кўп қиррали изланишларга туртки бўлади.

1918 йилда Туркистонда Хонаки саноат ишлаб чиқариш бўлими ташкил этилди. Унинг мақсади кенг жамият орасида ижодий салоҳиятни уй шароитида ривожлантириш, унга муҳаббат ва меҳр қўйиш қонуни асосий бўлган. 1919 йилда хонаки саноат тўғрисидаги асосий қонун Туркистон ҳукумати партияси VIII йиғилиш дастурида муҳокама этилади. Йиғилишдан сўнг Тошкентда Ўлкашунослик хонаки ташкилоти барпо этилади ва унинг таркибида ўқув устахоналар ва хонаки маҳсулотлар музейлари ишга тушади.⁹

XX асрнинг 20-чи йилларида Россиядан келтирилаётган енгил саноат корхоналарининг ускуналари маҳаллий бадиий саноат ривожланишига асосий замин ярата олди.

1923 йилда Туркистон Республикасининг бадиий ҳаётида муҳим воқеа содир бўлди яъни Москва шаҳрида Умумдавлат хўжалик ва ишлаб чиқариш

⁹ «Искусство Советского Узбекистана». 1917-1972. Коллектив авторов. - М.: 1976. 211-бет.

саноати кўргазмасида ўзбек усталари иштирок этадилар. Халқ бадий ижодиёти анъаналари асосида яратилган буюмлар ўзининг кўриниши, кенг камровлиги, байрамона тусда яратилганлиги билан жамоатчилик орасида юқори баҳоланади ва катта аҳамиятга эга бўлади.

1924 йилда Ўзбекистон ҳукумати ташкил этилиши халқ хўжалиги тарихида янги ривожланиш даврига асос бўлди – табиийки Ўзбекистон бадий ҳаёти ва маданиятида юксак ғоя, халқчиллик ва мафкуравийлик ғоялари кўп йиллик курашиш остида шаклланиб борди.

Ўзбек амалий безак санъатида анъаналарнинг уйғониши ва янги ижодий вазифаларни кўпайиши жараёни, мавзу ва мазмунликни кенгайтиришга ҳаракат қилинади ва амалий санъат ривожини давр руҳига мослаштирилади. Бу вақтда бадий ҳунармандчиликнинг кўпгина турлари тикланиб борилади. 1934 йилда Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент текстил комбинати, Самарқандда ипак тўкиш фабрикалари бирин-кетин ишга тушди. 30-чи йилларга келиб амалий безак санъати уч йўналишда ривожланади: халқ ҳунармандчилиги, бадий саноат ва хонаки ишлаб чиқариш саноати. Бу даврда амалий санъатда бир-биридан қизиқарли янги асарлар яратилади. Юқори бадий асарлар каштачилик, читгарлик, ёғоч ўймакорлиги ва енгил саноати турларида яратилган. Халқ санъатининг бошқа кўринишлари нотекис ривожланди.¹⁰

Кийим тикиш санъатида ўзгаришлар икки чизиқ асосида кузатилди. Бир томондан кенг тарқалган оврўпо либосининг миллий либос ансамблига аста-секинлик билан кириб келиши. Бундай уйғунлик либоснинг таркиби ва услубий яхлитликни бузади, аммо тарихий кесимнинг ижтимоий шароитда фабрика маҳсулотини уй шароитида тикилган либос олдида қулайлиги, замон модасининг таъсири ва бошқалари билан изоҳланади. Бир томондан иқлим шароитига мос маҳаллий либоснинг қулай рационал шакллари қўлланилган,

¹⁰ Григорьев Г. Тус-тупи. Искусство. - М.:1937. 32-бет.

бундай кийим оддий, киши қоматига мос бўлиб, унинг кенглиги ва узунлиги анча қисқаради.

Аёллар либосида кокеткали кўйлак, эркин ётувчи ёқа ва қисқартирилган енг кўринишлари устун бўлади. Бош кийимлар орасида кенг тарқалган рўмол билан бирга ёрқин, ранг-баранг кашталанган дўппилар кийиш урфга айланади. Барча либосларнинг тикилиши ва бичилиши жуда оддий, қулай бўлиб, рангли матоларга ҳам кўп аҳамият берилади.

Миллий маточилик санъатини ишлаб чиқариш саноати қайта тикланади. Маҳаллий унсурлар, ранг, халқнинг сеvimли нақшлари ва безаклари сақланиб қолинади. Пахта матолари турлари ва тўқилиши ишлаб чиқарилади. Матоларнинг – қалами, олача, астарчит, сарпинка каби турлари турли ҳудудларда хонаки тўқиш дастгоҳларида ишлаб чиқарилади.

Каштачилик санъатида анъаналар сақланиб, янги давр руҳини аск эттирувчи асарлар ҳам пайдо бўлади. Кашталар бош кийимлар, эркаклар белбоғи, камзуллар, жиякларни безаган. Бош кийимлар ичида дўппини ягона нақшли қалпоқча сифатида тарқалиб кетиши, ўша вақтда аёллар орасида дўппини кийиш урф бўлганлигидан келиб чиқади. Дўппиларни кашта билан безашга йилдан йилга қизиқиш ортади, янги нақшлар ва мотивлар қўлланилади. Либос тикишда ҳам қисман кашта безакларидан фойдаланилган. Халатлар, кўйлақлар, аёллар лозими, дўппилар ён четлари нақшинкор жияк ва шерозлар билан тикиб чиқилган. Нақшлар ранг ва шакл жиҳатидан бир-бирини тўлдирувчи ва биридан фарқ қилган. Каштачи аёллар юксак анъаналарни сақлаб, тикиш жараёнида бир-бирини такрорламайдиган нақш унсурларини ишлаб чиқарганлар. Жиякларда давр руҳига мос турли рамзлар - тикилган аэроплан, трактор, граммофон каби янги нақшлар шартли безак сифатида ифодаланган. Шахрисабз ва Китоб усталари шу услубда дўппилар, камзўллар, белбоғ, уй шиппаги билан бирга хона безаги учун мўлжалланган турли хил ёстиқпўш, жойпўш, лўлиболиш, салфеткаларни яратадилар.

Дўпсилар нақши ва кашта безакдорлиги билан кўзни қувонтирган. Эркаклар дўппини салла остидан кийишиб, эндиликда кўчага чиққанида салласиз кийишга одат қиладилар. Бу вақтга келиб маҳаллий дўпсиларнинг анъанавий шакли ва кўриниши сақланади ва алоҳида мактабларга қараб бўлинишига олиб келади.

Маҳаллий аҳоли орасида дўппига бош кийим сифатида қизиқишнинг ортиши XX асрнинг ўртасида бошланди.

1920 - 1930 йилларда дўппи кашталанган бош кийимнинг ягона бош кийми бўлиб, эркаклар ва аёлларнинг кундалик бош кийими безаги сифатида хизмат қилган. Ёш қизчалар ва жувонлар дўппи кийишга ишқибоз бўлиб, авваллига устидан рўмол ўраб, кейинчалик рўмолсиз ҳам кийишган. Дўппини бундай кийилиши кейинчалик урфга айланиб қолади. Дўппидўзлик саноати халқ бадий ижодиётининг энг оммавий санъат тури бўлиб хизмат қилган ва у ўзида шахснинг индивидуаллигини, тасаввурнинг бойлиги, нақшлар элементларининг кўп қирралиги ва безакдорлигини ифодалаган.

Бу даврга келиб дўпсиларда нақшларнинг янги кўриниши ва кўп элементлиги кенгайди. Улар асосий учта шаклда ишланади - думалоқ, конуссимон ва тўртбурчакли. Бундай кўриниш айрим ҳудудларда 1930 йиллар ўртасигача, бошқаларда ўн йил ва ундан ҳам кўпроқ давом этади.

1920-чи йиллардан бошлаб илгари алоҳида ижод қилган каштачи аёллар гуруҳи саноат корхоналари системасида махсус каштачилик артелига бирлашади.

1920 йилда Шаҳрисабзда “Хужум” артели, 1931 – Самарқандда “Хотинлар меҳнати”, 1935 – Тошкентда “Шарқ гули”, 1939 – Андижонда “Меҳнат гули” каби корхоналар вужудга келди. 1942 йилда Тошкентда ўқув ишлаб чиқариш комбинати қошида каштачилик цехи очилади, 1945 йилда эса Наманганда “Хамза” номидаги корхона ишга тушади. Бу каби корхоналар аста-секин бошқа вилоятларда ҳам кўпайиб борилиши кузатилади.

Дўппини яратиш жараёни йирик саноатга айланиши аҳоли орасида бу каби миллий бош кийим санъат турига, умуман бадий каштачилик санъатига бўлган қизиқиш ва талабни кучайтиради, ва ўз навбатида дўппиларнинг услуби, нақши ва турланишига ижобий таъсир этади. Янги услубий чизиқлар, нақшинкор элементлар ва бошқа қирралар ўзгариб, бойитилиб боради. Кейинчалик эса хўжалик ва маданий алоқаларнинг мустақамланиши билан дўппидўзлик санъати тарихида янги, иккинчи ривожланиш босқичи бошланади ва унинг асосий қирралари – умумий миллий кўриниш ва безакдорликлиги ифода этилади. Қайта ўзлаштирилган ижодий база кўламида қайта ишланган шакллар ва давр талабига мос янги кўринишлар вужудга келди. 1950-1980 йилларда дўппилар ўзининг ишланиши жиҳатидан жуда ранг-баранг, безакдор ва нафислиги билан ажралган. Улар бисер, канител, рангли тошчалар, металл босмалар ва бўртмали нақшлар билан кашталанган. Дўппиларнинг нақшида кундалик турмушдан олинган янги тасвирий лавҳалар ҳам ўрин олади.¹¹

XIX - XX асрлар давомида дўппидўзлик санъатида шакллар, нақшларнинг услуби ва бажарилиш техникаси анча шаклланиб борди.

Илк дўппилар конуссимон бўлиб, ён чеккалари кенг бўлган, улар салла ичидан кийилган. Тагидан яна дўппига ўхшаш “аракчин” номли қалпоқча ҳам кийилиб, иссиқ кунларда бош қисмини терланишдан сақлаган. Бу қалпоқчалар безаксиз, натурал пахта матодан тикилган. Кейинчалик, айниқса, 1920 йиллардан бошлаб, дўппилар шакли ўзгаради, уларни хилма-хиллиги кўпаяди: ўткирсимон, куббасимон, тўртбурчак, думалоқ, гумбазсимон, ён чеккаси баланд ёки пастлиги, тўқилган ёки бир қаватли ипак, бахмал ва бошқалар. Баланд дўппилар околиши икки қатор бўлиб безатилган: тепа қисми нақшли жияк билан, пасткиси – қора тусли бахмал ёки қора сатинли тасма билан тикиб чиқилган. Дўппилар матонинг икки ёки бир неча қатламидан иборат бўлиб, улар чокланган, ипак ёки пахта иплари

¹¹ «Искусство Советского Узбекистана». 1917-1972. Коллектив авторов. - М.: 1976. 128-бет.

билан маҳкамланган. Чок бурчакдан марказга қараб радиус бўйича қўйилган. Тўғрибурчакли околишда эса кўндаланг параллел чизиқлар қўйилган. Дўппилар шаклида лаконизм, вазифаси, нозик пластик ечими ва ифодавийлиги асосий бўлган.

Дўппиларни матонинг қора фонида кашталаш асосан Тошкент, қисман Фарғона водийсида қўлланилган. Бунинг сабаби XIX-XX асрларда Ўрта Осиёга ҳудудига Россиядан фақат қора матоларнинг кириб келиши ва уларнинг тикув ишларида қулай бўлишида эди.

1880 йил бошидан бошлаб Ўзбекистонга Россия давлатидан рангли пахта матолар маҳсулотлари: оқ, қора, қизил ва бошқа рангли, нақшинкор матолар эди. Бундай матолар кашта ва астарни тикиш учун асосий хом ашё сифатида қўлланилган. Дўппиларни тикиш учун энг қулай мато бахмал ҳозирги кунда ҳам кўпгина вилоятларда кам бўлсада қўлланилиб келинмоқда.

Шундай қилиб, илк дўппилар кўриниши конуссимон бўлиб, айвончаси кенг бўлган, уларни салла остидан кийишган. Тегида дўппига ўхшаш “арақчин” номли яна бир қалпоқча кийилган. У терланишдан сақлаган, оддий матодан, каштасиз бўлган. XX асрнинг 20-чи йиллардан бошлаб, дўппилар шакли ўзгариб, улар турли кўринишда бўлган: ўқсимон, конуссимон, яримдоира, думалоқ ва бошқалар.

Дўппиларни пахта матодан тикишган, ипак, тилла ва кумуш ипларда кашталанган. XIX асрнинг 1880-чи йилларига қадар кашта тикиш учун махсус маҳаллий ипак ипдан фойдаланишган. Ипни бухоро жугутлари жуда яхши бўяшган. Бундай ипларда тикилган кашта нақшлари чуқурлиги, мазмундорлиги ва бир-бирига ўтиб кетувчи жилоси, уйғунликни ҳосил қилган.¹²

Бўёқлар тайёрланишда табиий ўсимликлардан фойдаланилган. Масалан, қора бўёқ анорнинг пўстлоғидаги темир моддаси эритмаси асосида,

¹² Садыкова Н. Национальная одежда узбеков XIX-XX вв. - Т.: 2001. 3-9 бет.

ёки ёнғоқ, бодом писта шарбати асосида тайёрланган. Қизил бўёқ марена гули ёки Россиядан келтирилган шитовка-кошенил ўсимлигидан тайёрланган. Сарик бўёқ “испарак” ёки “тўхмак” гулидан, кўк ёки мовий ранглар – индиго ўсимлигидан олинган, бир хилда бу ўсимликни Россия давлатидан маҳсус келтирилган. 1880 йилдан бошлаб ипларни Россиядан олиб келинган бироз сифатсиз бўлган анилин бўёқлар билан бўяшган, XX аср бошида ранги ўчмайдиган индатрен бўёқлари қўлланилиб, вақти билан натурал бўёқлардан сиқиб чиқарилган. Дўппилар тикишда пахта ва жунлардан тайёрланган иплардан фойдаланилган.

Ўзбекистонда дўппидўзлик санъатининг пайдо бўлиши мураккаб тарихий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда турли даврларда гоҳида ривожланган гоҳида эса йўқолган ҳолда ривожланиб келмоқда. Энг асосийси бугунги кунда дўппидўзлик тарихини унинг ўзига хос сир-асрорларини ўрганишга қизиқиш катта бўлмоқда.

1. 2. XIX аср охири XX аср бошларида

Ўзбекистон дўппидўзлик санъатининг ривожини

XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистон каштачилик ва тўқимачилик санъатида анъаналар сақланиб, янги давр ғояси билан сингдирилади. Яратилаётган асарларнинг кўп қисмини эркаклар белбоғи, камзуллар, жияклар ва бош кийимлар ташкил этади. Уларнинг ичида дўппилар ўзининг қулайлиги билан оммабоп бўлиши, асосан аёллар кийиши, аста секинлик билан ўзбек миллий либосининг муҳим қисмига айланиб боради.

XIX асрнинг охиридан бошлаб Ўрта Осиёга тикув машиналари кириб кела бошлади. Бу эса тикиш ишларини анча енгиллаштирди. Чок тикадиган тикув машиналари ичида йўрма нусхалари тикила бошланди. Кейинчалик «попоп» тикув машиналари пайдо бўлиши билан каштачиликда

бадий жихатдан кашта тикишда янги давр бошланди. 1930-40 йилларда ташкил қилинган артелларда хотин-қизлар «попоп» машиналарида кенг миқёсда кўплаб турли «палак», «гулкўрпа», «чойшаб», «дорпеч», «зардевор» ва шунга ўхшаш кашталарни тикиб сотувга чиқара бошладилар.

Дўшиларни тикиш ва уларга турли кўринишда нақшлар солиш санъати билан қадимдан аёллар шуғулланиб келганлар. Нақшлар устида иш олиб боришда истеъдодли аёллар гуруҳи махсус тайинланган, улар “чизмакаш” ёки “қаламкаш” лар деб ном олган эдилар.

Мато устига нақш қамишли қаламда сиёҳ ёки туш билан туширилган. Агар мато қора бўлса, нақш сариқ бўёқ эритмаси билан берилган, у ўз навбатида шакарли қиём билан қуюқлаштирилиши шарт эди. Учили қаламдан ташқари яна махсус таёқчалар ёки оддий патлар ҳам ишлатилган.

Моҳир каштачи аёлларнинг кўли жуда тез ва енгил ҳаракат билан нақш элементини бевосита нисбатларини бузмаган ҳолда матога туширади ва бу жараёнда бадий анъаналарни қандай эгалаганлини аёл намоён қилган. Чизмакашлар нақшларнинг кўпгина анъанавий турлари ва қирраларини кенгайтириб, янгидан-янги ва ранг-баранг композициялар яратганлар. Асосий элементларни тушириши вақтида, унинг майда деталларига эмас, балки тасаввурдаги тасвирларга эркинлик берилиб, нақшнинг асосий рангини аниқлаб, сўнг унинг алоҳида элементларини турли рангдаги ипак ипларда тикиб чиқишган. Чизмакашлар санъати алоҳида эҳтиром билан диққатга сазовор эди, бу каштачилик санъати онадан қизларга мерос бўлиб ўтган ва ҳар бир маҳаллада ўзининг чизмакаш устаси бўлган.

Тикилган дўппи намуналарининг нисбатан энг қадимгилари музейлар коллекцияларида сақланиб, XIX аср ўрталарига тегишлидир.

Майда кашта буюмлар билан биргаликда улар XIX аср охири-XX аср бошида яратилган охириги кўринишларидан ўзининг архаика элементи ва анъанавий нақшлари билан фарқланади.

Кашта тикилган бош кийим – дўппилар XIX асрнинг биринчи ярмида халқ орасида машхур бўлган. Бошқа майда кашта буюмлар билан бир қаторда дўппилар ҳам бошқа давлатларга, хусусан Россияга олиб чиқилган.¹³ XIX асрда Ўрта Осиёга келган сайёҳларнинг эсдаликларида, дўппилар турли хиллиги, Ўзбекистоннинг йирик шаҳар ва қишлоқларида тарқалган ва ўзбек миллий либосининг муҳим ва ажралмас элементи бўлиб хизмат қилган. Дўппиларни турланиши бўйича эркаклар, аёллар ва болаларникига ажратиш мумкин бўлган, катта ёшли аёллар эса дўппини умуман кийишмаган.

XIX асрда эркаклар дўпписининг ярми мусулмон салла бурмаси остига бекитилган. Аёллар дўпписини XIX асрда асосан “сатанг” аёллар кийишган, улар бошқа аёллардан фарқли ўзларини эркакларга ўхшатиб, бошқа аёллардан ажралиб юришган.

XIX аср охири – XX аср бошида дўппи миллий либоснинг бир қисми сифатида бажарилиши ва безатилиши бўйича гуллаган даври эди.

XX асрда, дўппидўзлик санъатининг ривожланиш тарихида икки босқич кузатилади. Биринчисида дўппиларнинг маҳаллий кўринишининг сақланиши ва ривожланиши ҳамда миллий ўзбек либоснинг ўзига хос қисми сифатида сақланишидадир. Унинг чуст, марғилон, шахрисабз дўппиларидаги олдинги маҳаллий хусусияти ўзига хослиги билан бошқа ҳудудларда ҳам тарқалиб борди.

Савдо-сотик ишлари жадаллаши натижасида, илгари яратилган дўппилар инсоннинг ўзига мўлжалланган бўлса, эндиликда у бозор сотувига ҳам тез-тез ишлаб чиқарилади. Моҳир каштачи аёллар сафи кенгайиб, дўппи ўзининг бадий эстетик вазифасини бажаради. Халқнинг кундалик ҳаётида дўппилар кўлами кенгайиши амалий санъатнинг бу тури ривожланишига катта туртки бўлади. Каштачи аёллар орасида кашта санъатини ўзлаштирган, унинг техника ва бадий анъаналарини сақлаб келаётган, авлоддан - авлодга ўтказиб борувчи, гўзалликни ўзида ҳис этиб, дўппи яратаётган каштачи

¹³ Богословская И., Левтеева И. “Тюбетейки Узбекистана XIX –XX веков”. – Т.: 2007. 28-бет.

аёллар сафи кўпайиб борди. Даврнинг маънавий бойлиги ва асосий эстетик идеалларини ифода этувчи кашта дўппиларининг ноёб ва нафис намуналари яратилади. Дўппиларни безаш санъатида халқнинг дунёқараши, унинг орзу-умидлари ва кундаликга оид бой тасвирий сюжетлар дўппида ўз бадиий ифодасини топади.

Каштачи аёлларнинг асарларида эмоционал таъсирчанлик кучли бўлган. Улар яратган дўппилар ўзининг бадиий шакли, тасвир, ранглар бойлиги билан бадиий маданиятнинг юксак намунаси сифатида хайратланарли даражада бўлган.

Каштачи аёлнинг маҳорати унинг нозик диди дўппини безашда тўла ўз ифодасини топган. Нозик ва жимжимадор тикилган дўппилар нақшинкорлиги ва нафислиги билан кўзни қувонтирган. Нақш мотивлари ва композицияларининг кўп қирралиги кундан кунга ўзгариб, авлоддан-авлодга сақланиб борилган. Нақшинкор шаклларнинг анъанавий кўриниши сақланишида ўтмишда аёлларнинг фақат уйда ўтириши сабаб бўлган. Дўппиларни безаш тартиби ўзбек халқининг дунёқараши ва борлиқни эстетик томондан идрок этиши, унинг анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда бажарилган. Кашталарнинг нақшинкор услубининг илк асосий қирралари Ўрта Осиёда пайдо бўлган, миниатюра ва амалий санъатда ривожланган наққошлик санъати элементлари билан чамбарчас боғлиқдир. Анъанавий нақшларни ўзлаштирган каштачи аёл янги-янги бетакрор композициялар яратади. Кашта услуби ва усуллари бой маданий меросга эга. XX аср бошига келиб каштачилик санъати марказлари шаклланиб ривожланди. Улар Ургут, Самарқанд, Шаҳрисабз, Чуст, Марғилон, Тошкент, Фарғона, Бойсун ҳудудларидир. Ҳар бир ҳудудда маҳаллий хусусиятлар ва анъаналар шаклланади.¹⁴

Ўзбек дўпписининг ташқи безаги ва бадиий тузилиши вақт давомида ўзгариб борган. XX асргача дўппиларни шакл, ранг ва нақшлари ҳар бир

¹⁴ Турсуналиев К. Все цвета радуги. –Т.:1991. 13-бет.

мактабнинг ўзига хос хусусиятлари, анъана ва кўриниши жиҳатидан фарқ қилган. Ҳар бир ҳудудда дўппининг ўз услуби ва нақш кўриниши шаклланган, ривожланган ва ўзбек либосининг энг ёрқин анъанавий элементи бўлиб хизмат қилган. XX асрга келиб иқтисод, ижтимоий ва маданий ўзгаришлар таъсирида Ўрта Осиё халқлари турмушида дўппиларнинг услуби ўзгариб борди. Бундай ўзгаришнинг асосий сабаби келтирилади турли рангли матолар, тоза рангли иплар ва сунъий буёқлар олиб келиниши ўзининг муҳим ролини бажаради. Кашталарнинг нақши кўпаяди, эски нақшлар ўзининг ранг ва аҳамиятини йўқотиб боради.

Нақш элементида ислом маданияти тақиқлаган тирик жонзодларни тасвири ўрнига ўсимликсимон хусусияти кенг тус олади. Ислимий нақшнинг ранг ечими унинг гуллар ва барглари қисмининг қарама-қарши тасвирлашда ифода этилган. Шундай нақшлар тасвирланганки, улар безакдорлиги билан бирга маросим вазифасини бажарган, яъни тумор, кўз тегишдан сақлаш каби сифатларни ўзида мужассам этган. Шунингдек, инсон саломатлигига таъсир этилишига ҳам ишонч кучли эди. Ўзбекистонда ўтмишда гул ва ҳосилдорлик байрамлари тез-тез ўтказилиб турилиши, атиргул, лола гулларининг қизил ранги она заминга қурбонлик бўлган ҳайвоннинг қони сифатида рамзий маънога эга бўлган. Шунингдек, бу даврдан бошлаб бодом гулининг тасвири кенг тарқалиши афсонавий қушлар – фазан, хўроз ва товус қушларига ўхшатишган. Шартли услуб тасвирида бу қушлар тасвири ўзини асосий кўрinishини йўқотади. Қирғиз, туркман, қozoқ халқларида ҳам бу қушларнинг афсонавийлиги, муқаддаслигига ишонч кучли бўлган. Кўчманчи ўзбекларда болалар дўпписида бой ўғлининг патлари қўлланилган. Бу нафақат гўзаллик, балки бола соғлигига фойда келтирилиши ва худога ҳуш келиш аломатлари мужассамлашган.

Жанубий Хоразмда болалар учун мўлжалланган дўппиларга ҳақиқатий қушларнинг тирноқлари, қора маржонлар тикилиши ва бошқалар тикилиб, болаларни ёвуз кучлардан асрайди деган ишонч кучли бўлган. Бундай

туморли дўппилар болани жисми ва руҳини кучли, бақувват, довюрак бўлишида аҳамиятли томони бор. Бу каби дўппилар турли вилоятларда турлича. Хусусан, Қўқонда катталарнинг дўппиларида XX асрнинг 1920 йилига келиб, бу каби тош ва нарсалар “қалампир” тасвирининг ичига тикиб қўйилган.

Дўппиларда “қўчқор шохи” тасвирини кашталаш Бухорода тарқалган. Шунингдек, сўфийлик, эзгулик ва яхшиликни тараннум этувчи ёзувлар дўппининг эстетик кўринишини ва ифодавийлигини кучайтирган.

XX асрга тегишли бухоро дўппиларининг бирида Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланади, унда дўппининг оппоқ текис фонида қизил рангли ип араб ёзуви нақши бор, ёзув маъноси “Кулох бошингда бўлсин, душманлар ерга кирсин”. Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўша даврдан бошлаб каштачилик бўлгани каби дўппидўзлик санъатида ҳам “*нишон*” ва “*қалқон*” (табадони) деб номланган композициялар ишлатилган. “Нишон” композицияси моҳиятига кўра коинот жисмлари ва исломнинг асосий тамойилларини ўзида акс эттирса. “қалқон” композицияси генезисига кўра кўчманчи халқлар гиламчилигининг туб моҳиятини очиб берган. “Қалқон” композицияси уруғ тамғаси ёки ёвуз руҳлардан сақловчи рамзий белги эканлигини таъкидлашади. Композицияларнинг вужудга келишида, уларни шакллантиришда қўлланиладиган ислими (ўсимликсимон) нақш унсурлари муҳим ўрин эгаллайди. Ислими нақшларнинг нафақат каштачиликда балки дўппидўзликда ҳам кенг тарқалиши ислом мафкураси билан узвий боғлиқдир. Мазкур турдаги нақшлар маъносига кўра Жаннат боғининг рамзи эканлиги ҳам маълум.

Бу нақшлар XX асрда ҳам тўла ўз ифодасини топади. 1950-60 йилларда Республикамизнинг кўпгина вилоятларида бадий каштачилик фабрикалари фаолият кўрсата бошладилар. Бу вақтларда халқ рассомлари В.Столяров, К.Зарщикова, Н.Намнинг халқ ижодиёти намуналаридан фойдаланиб, уларни янги-янги ғоялар билан бойитилган чизмалари асосида

чеварларнинг машина йўрмадўзлик техникаси билан яратган асарлари ниҳоятда гўзал ва жозибалидир.

Ўзбекистон Амалий санъат музейида Ўзбекистонда машинада тикилган кашталарнинг энг йирик коллекцияси мавжуд. Республикамизнинг бутун худудида йўрмадўзлик асосида тикилган кашта намуналари йиғилганки, бу нусхалар ҳозирги замон каштачилигининг ёрқин намуналари бўлиб, бу соҳада республикамиздаги музейлар ичида энг кўп машина каштачилиги йиғилган даргоҳдир. Дўппиларнинг бой коллекцияси ҳам ушбу музей коллекциясида тўлиқ ифода этилган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли Амалий санъат музейини халқимиз бадий хунармандчилигимизни олтин хазинаси деб аташади.

Музейнинг ташкил топиши Ўзбекистонда маданий қурилиш ва бадий хунармандчиликнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. 1920-30 йилларда халқ хунармандчилигининг кўплаб турлари қайта тикланиб, ривожлана бошлади ва шу йилларда кўплаб халқ хунармандчилигига бағишланган кўрғазмалар ташкил қилинди.

1937 йилда ташкил қилинган халқ усталарининг ишлари кўрғазмаси Амалий санъат музейи ташкил топишига таъмал тошини қўйди ва у «халқ хунарманчилиги музейи» деб атала бошланди. Ўша йили, музей экспозицияси XIX аср охирида қурилган, ўзбек халқ бинокорчилигининг энг гўзал анъаналарини ўзида мужассам этган қошонода жойлашди. Бу меъморий ёдгорлиги гўё сеҳрли сандиқ каби Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм ва Фарғона водийси ганч ва ёғоч ўймакорлиги, мўйқалам нақш безаклари наъмуналарини ўзида акс эттирган бўлиб, истеъдодли ўзбек халқ усталари томонидан қурилган.¹⁵

Музей хазинасида XIX асрнинг иккинчи ярмидан бутун жаҳонга танилган халқ усталари яратган асарлари ва миллий маданиятимиз ноёб

¹⁵ Музей прикладного искусства”. – Т.: 2000. 3-бет.

дурдоналари бўлган заргарлик, зардўзлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик ва шунга ўхшаш юзлаб ҳунармандчилик ишлари намуналари, билан бир қаторда саноатимизнинг бадий фабрикаларида яратилган турлитуман маҳсулотларидан энг гўзаллари, ҳозирги замон халқ усталари ва рассомларининг кўплаб асарлари сақланиб келинмоқда.

Музей ўзининг 70-йиллик фаолияти давомида Ватанимизнинг йирик маданий ва маърифий марказларидан бирига айланди. Ҳар йили юзминглаб томошабинлар келиб кетувчи бу маскан халқимизнинг, чет эл сайёҳлари, давлат арбоблари ва ҳукумат вакилларининг севимли даргоҳига айланиб қолган. Шу билан бир қаторда, музей ўзбек халқи амалий санъати тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар, халқ усталари ва рассомларининг ижодий фаолиятини таъкомиллаштиришда ўзига хос бир лаборатория вазифасини ўтаб келмоқда.

Бугунги кунда музей ўз залларида халқимиз яратган санъат дурдоналарини намойиш этиш билан бир қаторда ёш, ўсиб келаётган рассомлар, халқ усталари асарлари кўрғазмасини ўтказишда уларга катта имкон яратиб бермоқда.

II БОБ. XIX аср охири XX аср бошларида дўппидўзлик мактабларининг бадиий ўзига хослиги

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги амалий санъатнинг энг катта қисми асосан Тошкентдаги Ўзбекистон Амалий санъати музейи тўпламида сақланиб, жаҳон эътиборини жалб этмоқда. Тўплам мазмунан жуда бой, амалий санъатнинг барча турлари намойиш этилган. Бу ноёб коллекция Ўзбекистон амалий безак санъатида турли марказ ва мактабларнинг шаклланишини озми-кўпми очиб беришга хизмат қила олади.

Музей 1937 йилда хонаки хунармандчилик вақтли кўргазмаси асосида ташкил этилган. Музей Ўзбекистон халқ амалий санъати ноёб дурдоналарининг бой ва йирик хазинасидир. Унинг захираси ва экспозициясида 7 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд. Музей тўплами катта бадиий ва маърифий ахамиятга эга, у XIX – XX асрларда ривожланган бадиий хунармандчилик тарихи ҳақида баён қилади. Музей коллекцияси Ўзбекистон халқ усталарининг кўплаб авлоди, уларнинг ижоди билан танишиш имконини беради. Коллекция таркибида бадиий кашта, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, маточилик, гиламдўзлик, мисгарлик, заргарлик ва амалий санъатнинг бошқа ноёб намуналари ўрин олган.

1938 йилдан бошлаб музей XIX асрга оид ажойиб меъморий ёдгорлиги –дипломат, коллекционер ва шарқ санъати мухлиси бўлган князь Половцев собиқ уй-қароргоҳида жойлашди. 1870 йилларда қурилган уйнинг қайта қурилиши ва бадиий безак ишлари 1896-1904 йилларда Половцевнинг шахсий котиби М.С.Андреев раҳбарлигида амалга оширилган. Бу инсон кейинчалик таниқли олим, Ўрта Осиё этнографияси профессори бўлади.

Музейнинг марказий зали (собиқ меҳмонхона) меъморий безаклари жиҳатидан энг бой залларидан бири. Унинг деворлари темпера бўёқлар билан нурланган нақшинкор ганч безаклари билан тўлдирилган. Бадиий нақш

билан қопланган залнинг ёғочли шифти уч ярусли ва шарафа номли муқарнаслар билан безалган. Шифт нозик дид билан ишланган тўрт ўйма устунлар билан кўтарилиб турибди. Шифтнинг маркази ва бурчакларида муқарнасли чуқурчалар – хоузаклар бор. Шифтнинг тепаси гирихнинг мураккаб геометрик нақшли планкалардан иборат. Шифтнинг нақшу-нигор кўндал услубида бажарилган, ундаги нақш тилланинг юпқа пластинкалари ёғоч устига бол ёки патока шираси билан ёпиштирилган.

Деворни нақшлаш ишларига тошкентлик уста Олимжон Қосимов раҳбарлик қилган. Панел ва айвон мозаика ишларини риштонлик усталар бажарган. Зални безаб турган кўплаб нақшли мотивлар орасида каминларни безаб турувчи ганч ўйма ишлари диққатингизни тортади. Улар нозик дид ва маҳорат билан бажарилган.

Залнинг шимолий ва жанубий деворлари ганчли панжара билан безатилган икки токча ажратиб туради. Токчалар ва ўйма панжараларнинг алоҳида бир қисмларни бажаришда тошкентлик уста Тошпўлат Арслонқуловнинг ҳам меҳнати синган. Залдаги меъморий безак вазифасини бажарувчи меҳроб мураккаб геометрик нақшланган ўқсимон арка кўринишида бажарилган ва безак вазифасини бажаради.

Музей хоналарининг бирида бўртмали наққошли ёғочли шифт сақланган, у барча ёғоч тўсинлар, хоузак ва бошқа қисмларини безаган, шифт алоҳида тўртбурчакларга ажратади. 1961 йилда тошкентлик усталар томонидан тўлиқ ҳолда таъмирланган. Усталарга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Тоир Тўхтаҳўжаев раҳбарлик қилган.¹⁶

XX асрнинг 20-чи йилларида Ўзбекистон ҳудудида яшаб хилма-хил халқ истеъмол молларини тайёрловчи усталарни бирлаштириб турли номларда артеллар ташкил қилинди. Артелларда меҳнат қилган, кўзга кўринган халқ усталарининг энг яхши буюмлари иштирокида ҳар йили ёки 2 йилда бир марта кўргазмалар ташкил қилиниб, юқори ўринни олган усталар

¹⁶ Музей прикладного искусства”. –Т.:2000 г. 5-бет.

турли мукофотлар билан рағбатлантирилиб турилар эди. Шундай йирик кўргазмалардан бири 1927 йилда ташкил қилинган эди. Унда Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида фаолият кўрсатаётган усталарнинг энг яхши асарлари, яъни безакли анъанавий уй-рўзғор буюмлари намойиш этилди. Кейинчалик бу доимий кўргазмага айлантирилиб, «Ўзбекистон халқ хўжалиги кўргазмаси» номини олди. Кўргазмага келган буюмларнинг кўплари шу кўргазма ташкилоти ҳисобида қолдирилиб, йилма-йил йиғилиб борилди, шу билан бирга илгариги даврларда тайёрланган, кўлда тикилган кашталар, дўппилар, заргарлик буюмлари, гиламлар ва шунга ўхшаш халқ амалий санъатини ўзида мужассам этган буюмлар ҳам сотиб олина бошланди.

Ана шу тўпланган халқ амалий санъат асарлари 1937 йилнинг 7-июлида Тошкентда очилган «Хунармандчилик музейи» учун манба бўлиб хизмат қилди. «Хунармандчилик музейи» қатор йиллар мобайнида бир неча ташкилотлар қарамоғида фаолият кўрсатди.

1960 йилларнинг бошида ўша вақтдаги Маҳаллий саноат вазирлиги таркибига киритилди ва «Ўзбекистон амалий санъати доимий кўргазмаси» номи билан юритила бошланди.

Бу йилларда Маҳаллий саноат вазирлиги қарамоғидаги бадий хунармандчилик корхоналарида ишлаб чиқилган атлас, адрас, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, дўппилар, пичоқлар, кулолчилик корхоналарида тайёрланган сопол буюмлар, мис идишлар, кийим-кечаклар, машина каштачилиги ва бошқа кўплаб амалий санъатга доир буюмлар ажратилиб музейга топширилиб турилди. 1950-1960 йилларда кўзга кўринган халқ усталарининг шахсий ишлари ҳам сотиб олиниб музей хазинаси бойитиб борилди.

Маълумки, Ўзбекистоннинг деярли барча музейларида халқ амалий безак санъати бўлимлари мавжуд. Уларда шу ҳудудга оид маҳаллий санъат осори-атиқалари йиғилиб намойиш этилса, Тошкентдаги Амалий санъат

музейида Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари ва мактабларига хос бўлган амалий безак санъати намуналарини ўзида мужассам этган.

1997 йилда Маҳаллий саноат вазирлиги тугатилгач, музей Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ихтиёрига ўтказилди ва «Ўзбекистон Амалий санъат музейи» мақоми билан юритила бошланди.¹⁷

Бугунги кунда музей хазинасида XIX асрнинг биринчи яримидан то hozirги кунларимизгача бўлган даврни ўз ичида қамраб олган ўзбекистонлик кўли гул усталари томонидан яратилган бебаҳо амалий санъат дурдоналари йиғилгандир. Музей хазинасида сақланаётган халқ амалий санъат асарларини бадиий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиш мумкин: биринчидан бу қадимий анъаналар асосида яратилган, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ясалиши ва безагини ўзида акс эттирган мактабларга оид санъат асарлари турларини ўз ичига олади.

Иккинчи – XX асрнинг иккинчи яримидан бошлаб, халқ усталари анъанавий услубни йўқотмаган ҳолда уни ўз ижодий услуби билан ривожлантириб, янада бадиий безак билан бойитиб яратган асарларидир.

Учинчи гуруҳга эса, бугунги кун амалий санъат тараққиётидан келиб чиқиб, ранг-баранг турфа нақшлар билан безатилиб, замон санъати талаблари даражасидаги етук асарларни ўз ичига оладиган санъат дурдоналаридан иборатдир.¹⁸

Музей захирасида тўпланган буюмлар музей мутахассислари томонидан 20 номдаги коллекцияга ажратилиб сақланади ва шу турлар буйича музей экспозициясида намойиш қилинади.

Амалий санъат музейи захирасида республикамизнинг айтарли ҳамма кулолчилик марказлари усталарининг иши тўпланган десак янглишмаймиз. Энг кўп миқдордаги кулолчилик буюмлари Тошкент ва Риштон усталарининг ишларидир. Тошкентлик уста кулоллардан Туроп Мирвалиев,

¹⁷ Музей прикладного искусства”. – Т.: 2000. 6-бет.

¹⁸ Садыкова Н. Музейное дело в Узбекистане. – Т.: 1975. 76-бет.

Камол Туропов, Мухиддин Рахимов, Акбар Рахимов, Чўлпон Содиқов, А.Я.Рауфов, Р.А.Акбольян, А.У.Алимов ва бошқаларнинг ясаган лаган, коса, гулдон, сервизлар тўплами, безак, сувенирларини ўз ичига олувчи сирли ва терракота буюмлари йиғилган. Шунингдек, 1950-60 йилларда Тошкент керамика заводи маҳсулотлари ҳам музей захирасидан ўрин олган.

Чиннисозлик коллекциясида – Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги чинни заводларида усталар томонидан тайёрланган шарқона шаклда ва миллий нақшлар билан безаб сирланган чинни идишлар, сервизлар тўплами, турли шаклдаги гулдонлар, чинни идишлар ўрин олган.

Музей захирасида сақланаётган шишасозлик коллекцияси унча катта бўлмаган бадий буюмларни ўз ичига олади. Булар асосан Тошкент шаҳридаги шишасозлик ва биллур заводи «Миконд»да, тажриба устахонасида шишасоз усталар В.В.Дудин, Ж.Г.Забудская, М.Ситников, И.Филимонов, Г.Дивинский, Н.Абатуровалар томонидан тайёрланган «Дачный» (23 та буюм), «Ўзбекистон», «Дастурхон» ва бошқа номларда аталувчи шиша сервизлар, биллур (хрустал) гулдонлар, қадахлар, ширинлик солиб қўйилувчи идишлар, газак идишлари, гуллар ва бошқалардан иборат.

Музейда йирик миллий газламалар коллекцияси мавжуд бўлиб, бунда дастгоҳда ва машинада ипак, яримипак ва пахта толаларидан тўқилган матолардан иборат. Миллий газламалар коллекциясида Марғилон, Наманган, Қўқон, Самарқанд, Уйчи, Косонсой, Шаҳрихон, Бойсун фабрикаларида тўқилган атлас, адрас, беқасам, бахмал, шойи нусхалари, Бухоро шойилари, Хоразм адрасларининг хилма-хил, ранг-баранг нусхалари мавжуд. Марғилонлик усталар Х.Мамажонов, Э.Умаров, Ш.Хасанов, А.Ахмедов, Т.Дадажонов, Мирзаахмедовлар томонидан турли номларда аталувчи атласлар, беқасам нусхалари уларнинг беқиёс маҳорати кишини лол қолдиради.

Ўзбек миллий кийимлари коллекциясида Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент ва Фарғона водийсида кийиш расм бўлган атлас, адрас қўйлақлар,

беқасам чопонлар, турли хил нимчалар, хоразм аёлларининг чопонлари, Бухоро зардўзлари томонидан тикилган зар чопонлар, ковушлар, пешонабанд, зардўшпилар, шойи рўмоллар, Кашқадарё Сурхондарёлик эркак ва аёлларнинг ёрқин бўёқларда тикилган чопон, желаклари, шунингдек болалар кийимлари ўзининг бадиий безаклари билан бир-биридан ажралиб туради.

Музей коллекциясида бадиий ҳунармандчиликнинг энг нозик турларидан бири бўлган зардўзлик бўлими ҳам диққатга сазовор. XIX асрда зардўзлар Бухоро амири ва унинг амалдорлари учун тикилган зардўзи чопон, чолвор, этик ва саллалар тикиб берилган, инқилобдан кейин зардўзи усталарнинг боши кўвуштирилиб артелларга бирлаштирилди. Кейинчалик Бухоро зардўзлик фабрикасига айлантирилиб, у бугунги кунимизгача фаолият кўрсатиб келаяпти.

Музейдаги гиламдўзлик ва палослар коллекцияси унча кўп бўлмаган XX аср бошларидан буёғига тўқилган, кўплари 1950-60 йилларда гилам тўқиш фабрикаларида тайёрланган гилам ва палослардан иборат. Музейда XIX аср иккинчи ярмига оид Хива, туркман гиламларидан бир нечтаси, Доғистон гиламидан бир неча намуналарини сақланишини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Ўзбекистонда бадиий ҳунармандчиликлардан яна бири ҳисобланган кўл меҳнати билан яратилган каштачилик буюмлари музей захирасининг асосий коллекцияларидан бири.

Сақланаётган кўлда тикилган кашталарнинг кўпчилиги XIX асрнинг охирлари XX асрнинг бошларига оиддир. Ўзбекистон ипак ривожланган мамлакат бўлиб, унинг деярли ҳамма бурчакларида ипакдан кашта ипи тайёрланган. Ҳунармандчилик билан асосан эркаклар шуғулланган бўлсалар, каштачилик ҳунармандчилиги билан хотин-қизлар шуғулланишган. 8-9 ёшли қизлар ёшлигидан каштачиликни тикиш сирларини ўрганиб олганлар. Улар кўпинча ўзларининг тўй сеплари учун безак кашталари тика бошлаганлар.

Илгари одатда ўзбекнинг бирор хонадони йўқки, кашта билан безатилган бўлмасин. Хоналар палак, гулкўрпа, зардевор, чойшаб, керпич каби безак кашталар билан безатилган. Бундан ташқари уй анжомлари – сандалпуш, жойнамоз, ойна халта, тароқ халта, туз халта каби; кийим кечаклардан нимча, кўйлақларнинг ёқа ва этаклари, паранжининг турли жойлари кашталар билан безатилган, хатто оёқ кийимлар - ковуш, махси, этиклар ҳам кашталар билан безатилган.

Маълумки, каштачиликда ҳар бир жойнинг каштаси иккинчи жойдан фарқ қилади. Масалан, Тошкентнинг «палак» деб аталувчи каштаси ипак ёки ип билан тўла сидирғасига тўқ қизил рангда «ой палак», «тоғора палак», «юлдуз палак» каби нусхаларида само жисмларини белгилари тасвирланса, Бухоро кашталарида оқ матога енгил майин гулли шохчалар, доиралар безатилади. Нурота кашталари ўзининг ислимий нафис безаклари билан Ўрта Осиёда энг юқори ўринда туради. Шаҳрисабз кашталарининг «ироқи» нусхалари сидирғасига бирон жой очик қолдирилмай нақшларнинг жойлаштирилиши, яъни гилам нусха билан, Сурхондарё, Қашқадарё кашталари тўқ қизил ёки сариқ рангдаги сатинларга кетма-кет жойлаштирилган доиралар, уларнинг атрофида шохчалар билан безатилиши, ёрқин ранглarda тикилиши билан ажралиб туради.

Музейда бадий ижодиётнинг мустакил тури бўлган ўзбек дуппилари – Тошкентнинг «ироқи», «чоргул», «чаманда гул», «тагдўзи», «оқпар», Шаҳрисабзнинг «ироқи» гилам дўппи деб аталувчи турлари, Чустнинг қора сатинга оқ ипак билан «қалампир» нусхаси, Денов, Ургут, Самарқанд ва бошқа жойларда тайёрланган дўппилар бир – биридан гўзал, ўзига хос кашта гуллари билан ажралиб турувчи турлари йиғилганки, булар халқимизнинг юксак эстетик санъат дидидан дарак беради.¹⁹

Ўзбекистон дўппидўзлик санъати тарихи қадим ўтмишга бориб тақалиши билан бирга халқ хунармандчилигининг анъанавий турларидан

¹⁹ Музей прикладного искусства”. –Т.:2000. 8-бет.

бири ҳисобланади. Чунки улар ўзбек халқига хос бўлган менталитет ва тафаккурни ўзида акс эттирганлар. Анъанавий дўппидўзлик санъатига нафақат тадқиқотчилар орасида, балки амалиётчилар орасида ҳам қизиқиш катта. Умумий олганда, Ўзбекистон Амалий санъат музейи заҳирасида Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари ва мактабларига оид дўппиларнинг бой тўплами жамланган. Жами XIX – XX асрларга оид 689 дона дўппилар мавжуд. Шулардан:

1. Андижон мактаби - 73 дона;
2. Марғилон мактаби - 7 дона
3. Самарқанд мактаби - 36 дона
4. Сурхандарё мактаби - 53 дона
5. Тошкент мактаби - 112 дона
6. Фарғона мактаби - 7 дона
7. Чуст мактаби - 65 дона
8. Шаҳрисабз мактаби - 119 дона
9. Бухоро мактаби - 150 дона
10. Хоразм мактаби – 67 дона

Дўппилар коллекциясида энг ёши Фарғона дўпписи XX аср бошларига оид. У юмшоқ конуссимон шаклда, бурчаклари юмалоқсимон, учбурчакни ҳосил қилади. Нақш композицияси тўрт бўлимга бўлинган. Нақши шартли, ўсимликлар – гуллар, мева ва барглардан иборат. Хомдўзи (двусторонняя гладь) чоки ишлатилган, босма чоклари кам, гулшоҳли ва донасимон безаклари ифодали қўлланилган. Дўппи ва кашталар моҳир аёллар томонидан бажарилган. Дўппиларнинг қолган қисми XX асрнинг 1940 йиллар бошидан 1980 йилгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Коллекциянинг асосий қисми 1950 йилларга оид бўлиб, нақши гуллар, шохлар ва бошқа ўсимликлардан иборат. Дўппи ва кашталар моҳир аёллар қўлида тикилган.

Дўппиларнинг кўриниши, нақш услублари, бадиий рамзлар уйғунлиги бир – бирдан фарқ қилади. Ҳар бир вилоят дўппиларининг тайёрланишида шу жойнинг табиий шароити, атроф-муҳит, аҳоли турмуш тарзи ва маҳаллий анъаналарнинг тарихий ривожланиши, умумий маданиятнинг ривожланиши катта таъсир кўрсатган. Дўппидўзлик санъатини ҳозирги кунда 6 та асосий гуруҳга бўлишимиз мумкин яъни унинг кенг тарқалган ҳудудларига Қашқадарё, Бухоро, Тошкент, Қорақалпоғистон, Хоразм ва Фарғонани киритамиз.

Амалий санъат музей залларида халқимиз яратган санъат дурдоналарини намойиш этиш билан бир қаторда ёш, ўсиб келаётган рассомлар, халқ усталари асарлари кўрғазмасини ўтказишда уларга катта имкон яратиб бермоқда.

2.1. Ўзбекистон ҳудудидаги бадиий мактабларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Дўппилар турлича бўлади – эркаклар, аёллар, болалар (шу жумладан, ўғил болалар, қизчалар, эмизикли гўдаклар учун), қариялар учун мўлжалланади. Ёши ўтиб қолган аёллар дўппи кийишмайди. Болалар дўппилари (кулоҳча, қалпоқча, дўппи, каллапўш) оқ рангдаги турли туман матолардан тайёрланганлиги, жияклари қалин, попукли, ҳар хил ипак ва ипдан попуқлар тўқилганлиги, беагаи, товланиши, туморларга бойлиги билан фарқланиб туради. Ўзбек дўппиларининг кўпроқ тарқалган шакли - тўрт бурчакли бироз **конуссимон** бўлиб, бундай шакл дўппи тайёрланиб битгач, буклашда алоҳида қулайлик яратади.²⁰

Турли ҳудудларда яратилган дўппилар ўша жойнинг иқлими, жўғрофик муҳити, бадиий рамзийлик, урф-одатлар, нақши ва шакли билан

²⁰ И.Богословская, И.Левтеева “Тюбетейки Узбекистана XIX –XX веков” – Т.: 2007. 25-бет.

фарқланади. Дўппиларнинг у ёки бу кўринишига табиий шароит ва аҳолининг этник гуруҳидан ташқари бадий анъаналар ва хўжалик, маданиятнинг умумий ривожига таъсир этган. Сурхондарё ва Қашқадарёда думалоқ шаклли дўппилар ёрқин контраст ипакли иплар билан тикилса, Бухорода тилла ип билан безалган. Энг ёш дўппилар Фарғона водийсида – Чуст, Марғилон, Андижон, Қўқонда пайдо бўлган. Тепа қисмида тўртбурчакли қирралари бўлиб, тахланганда учбурчакга айланган. Дўппилар номи – Чуст дўппи, Қўқон дўппи, Андижон нусха дўппиларни ҳозирги кунда фақат эркаклар кийишади.

Эркаклар дўпписи асосан қора сатин, бахмал, аёлларники- рангли ипак, бахмал ва парча каби юмшоқ матолардан тайёрланади.

Дўппи тўрт қисмга бўлинади, унинг икки қарама-қарши қисми учбурчак ҳосил қилади, қолган икки қисми эса улар орасига икки букланиб қатланади. Шу ҳолда янги дўппи сал намланиб, босим тагига қўйилади, натижада у маълум бир шаклга киради.

Дўппилар икки ёки уч қат матодан тайёрланиб, пахта ёки ипак ип билан мустаҳкам қилиб тикилади. Кўп ҳолларда тайёр дўппига ипак, зар ёки кумуш ипларда кашта тикилган. Қора тагликка кашта тикиш асосан Тошкентда, қисман Фарғонада XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлди, чунки бу пайтда Россиядан Марказий Осиёга кўплаб қора рангдаги газмоллар келтирила бошланиб, танлаш учун кенг имконият берган эди.

Дўппидўзлик санъати ҳозирги кунда тўлалигича сақланиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Ҳозирги кунда юксак ва ноёб санъат дурдоналари даражасига кўтарилган бу бебаҳо меросимиз музейларимизда сақланиб келинмоқда. Бундай музейлардан бири Ўзбекистон Амалий санъат музейидир. Музейда миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган халқ амалий санъатининг энг ноёб ёдгорликлари сақланади. Шуларнинг ичидан дўппидўзлик санъатини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Музейда дўппиларнинг “Зардўппи”, “Нозик”, “Бодомча”, “Ироқи”, “Қирқоёқ”, “Чуст”, “Чоргул”, “Оқ пар”, “Каллапуш”, “Пилтадўзи”, “Тагдўзи”, “Нухча”, “Пахта”, “Товус”, “Гидамдўзи”, “Чакма тўр”, “Қизил гул”, “Тўлдирма” ва бошқа турлари мавжуд.

Ўзбекистоннинг кўпгина ҳудудларида тайёрланган дўппилар кўпроқ шакли ва нақши билан бошқалардан катта фарқ қилади. Музей захирасидан ўрин олган бир неча дўппилар билан танишиб чиқдик. Юқорида келтирилгандек, музей дўппилари коллекциясида энг ёши **Фарғона дўпписи** бўлиб, XX аср бошига тўғри келади. У юмшоқ конуссимон шаклда, бурчаклари озгина ёйсимон, учбурчакни ҳосил қилади. Нақш композицияси тўрт бўлимга бўлинган. Булардан биттаси 1970-чи йилда қўлда тикилган аёллар дўпписи. Байрамона композицияси кўзни қувонтиради. Композицияси Бойсун ва Шахрисабз ҳудудларида кенг тарқалган гилам дўппиларига яқин.

Бундай дўппиларни ёш қизлар ва жувонлар байрамда, турли базм кечаларида кийишган бўлса, ҳозирда кундалик ҳаётда ҳам кийишмоқда. Фони қизил, сариқ, қора, яшил, мовий рангли иплар билан тикиб чиқилган. Нақшлар учбурчак геометрик шаклда ягона учбурчакни шаклга сиғдирилган. Тўрт бўлимни ташкил қилган дўппи қора тасмаси яшил тасма билан безатилган, “ироқи” ва “босма” чокларда чокланган.

Чуст дўппилари бадий шакли ва кўриниши Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида кенг тарқалган. У тўртқиррали шаклда, бурчаклари айланасимон. Унинг хусусияти шундаки, қора фонда “қаламтир” ёки “бодом”нинг оқ иплар билан тикилган қуюқ нақши дўппининг ҳар тўрт бўлимида жойлашади, дўппининг ён чеккалари эса қатор “равоқ” нақши билан кашталанган. Ўзининг классик яқунлигига кўра чуст дўпписи замонавий либослар билан ажойиб уйғунликни ташкил қилади, сўнгги вақтда

уни тўй ва бошқа маросимларга кийиш урф бўлди. Бундай дўппилар Тошкент ва Хива эркалари орасида кенг тарқалган.²¹

Фарғона мактабига доир **Қўқоннинг “оқлар”** номдаги турли хил дўппиларига қора мато фонида жуфт бодом шакли ва атрофига такрорланувчи учбурчак шаклга эга, тишсимон жияк тикилади. **Андижонда** яшил барқутга оқ нақшлар тикиш кенг тарқалган. Шунингдек, рангли бисер билан тикиш ва қўшимча рангли тошчалар ва стеклярусдан ҳам фойдаланиш шу ҳудудда тарқалган. Улар *“зардўппи”* ва *“нозук”* деб номланади. Дўппининг ҳар бўлими тўртқиррали юлдуз шаклида бирлашиб тикилади, бир бўлимида *“бойўгли”* қушининг шартли тасвири, иккинчисида услубий *“қўнғиз”* тасвирланиб, ажратиб тикилган кўзи яримайлана шаклидаги оёқчалари билан ажратилган.

Сурхондарё ва Қашқадарёда думалок, куббасимон кўринишдаги дўппилар, бир-биридан ўта фарқланадиган ёрқин иплар билан тикилган.

Куббасимон шаклдаги **Шаҳрисабз – Китоб** дўппилари думалок андозали бўлиб, чокларини ёпиш учун гулли кашталар ишлатилган. Бундай андоза ечими Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида қўлланилган. Лекин улардан фақат Шаҳрисабз – Китоб дўппиларида сақланиб қолган.

Шаҳрисабзда *“кандаҳаёл”*, *“йўрма”* ва ярим хоч *“ироқи”* чок турлари мавжуд. Шаҳрисабздаги *“ироқи”* чокли дўппилар ўзининг бадий ечимига кўра Тошкент *“ироқи”*сидан фарқ қилади. Чок орқали эркин берилган геометрик ва ўсимликсимон нақшлар тўқ шойи фонида ёрқин доғ сифатида намоён бўлади. Бундай дўппилар ўзининг мураккаб ва бетакрор нақш композициялари, ранг – баранглиги билан ажралиб туради. *“Гидам”* дўппилар Шаҳрисабз ва Китобда кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади. Улар ўзига хос конуссимон шаклда бўлиб, ёрқин нақшлар ва ҳар хил мотивлар ўйғунлигини ўзида акс эттиради.

²¹ Богословская И., . Левтеева Л. Накшин дўппилар сеҳри. Санъат. 1999. №1. 35-бет.

XIX аср Шахрисабз дўппиларининг колорити ранг–баранг ва юмшоқ тонлардан иборат. Ушбу ранглар шойини ўсимлик бўёқлар билан бўйаш орқали олинади. Нақшларнинг ранглари яшил, сариқ, мовий ва қизғиш бўлган. Дўппининг устки қисми кўпинча шойи билан қопланиб, тўқ кўк ранг билан безатиларди. XIX аср охири XX аср бошларида анилин бўёқлар қўлланила бошланди ва ранглар анча ёрқин ҳамда кескин тус олди.²²

Ургут ва Бойсун дўппилари ўзининг бадиий диди ва қизиқарлилиги билан характерли. Бойсун дўппилари думалоқ “*пилтадўзи*” қобирғасимон сиртга эгадир. Кашта нақшлари геометрик зинасимон шаклга эга бўлиб, нақшлари ҳажм жиҳатдан катта ва бир нечта бурчакли ва ёрқин ранглардан иборат бўлган. Ургут эркаклар дўппилари қора баъзида эса сиёҳранг фонда тикилган. Улар 4 хил ёрқин нақшлар билан безатилиб, мустаҳкам кўринишга эгадир.

Тошкент мактаби дўппидўзлик санъатида 1940 йилларда катта ўринни эгаллаб, асосий услуб ва турларининг шаклланиши билан аҳамиятлидир. Тошкент дўппилари ўзининг турли услуби ва турлари билан ажралиб, шаҳар аҳолисининг мураккаб этник таркиби билан боғлиқ эди. Тошкент усталарининг яратган дўппилари ўзининг чуқур эмоционаллиги, жарангдорлиги, нақшлардаги нозиклик ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Баъзида Тошкент дўппилари “*чакматур*” техникасида ҳам тикилиб, фон қисми майда нуқталардан иборат бўлган. Улар панжара нақшини ташкил қилади. Нуқталар оқ рангли иплардан тикилган. Кейинчалик бу нуқталар фон бўйлаб тарқалиб, нақшлар орасидаги бўшлиқ панжара билан тўлдирилган.

Кенг тарқалган “*чаманда гул*” нақшидаги гул новдаларида кўп ҳолларда яшил ва мовий қушлар тасвирланарди. 1940 йилларда Тошкент дўппиларидан “қизил гул” кенг тарқалиб, “чаманда гул” дўпписи билан

Богословская И., Левтеева Л. Нақшин дўппилар сеҳри. Санъат. 1999. №1. 36-бет.

стилистик умумийликка эга бўлган. У ўзининг қуюқ, жарангдор ва кескин колорити билан ажралиб туради.

Шунингдек, Тошкент дўппиларида “бисер”ли дўппилар ҳам тарқалиб уларнинг ҳар бўлимида шартли гулдасталар нақши бўлиб, гулли нақш элементини ҳосил қилади. Асосан юмшоқ бахмал устига шартли услубда гулдаста рангли иплар билан кашталанган ёки бисерда бўртмали қилиб безатилган.

XX аср бошларида Самарқанд дўппиларини силлиқ мато – ипак ёки пушти, яшил рангли сатиндан тикишган. Бу даврда каштачилик билан безатилган дўппилар энг кенг тарқалган турларидан ҳисобланган. XIX аср Самарқанд дўппилари ўзининг нозик нақшлари ва ўзаро ранг ўйғунлиги билан ажралиб турган. XX асрда яратилган дўппилар ўзининг ёрқин колорити билан фарқ қилиб, нақш бериш услуби бетакрордир. Баъзи бир нақшлар эса одам тасвирининг содда кўринишига эга. Баъзилари эса қўй ёки эчки шохини эслатади. Бундай нақш “қўчқорак” деб аталади. Самарқандда энг тарқалган дўппиларнинг тури – чуст хилдаги дўппилардир.

Бухорода дўппилар кўпроқ зар иплар билан тикилган. “*Каллапуши бухори*” бошқа вилоят дўппиларидан нафақат номланишида, шунингдек ноёблиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бухоро дўппилари турли туман бўлиб, зардўзлик техникасида бажарилган. “Каллапуши зардўзи” дўппилари қадимда сарой амалдорлари либосининг бир қисми бўлган. Ҳозирги кунда эса тўй ва суннат тўйларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунингдек, Бухорода “*дўппи*” бошқа маънода ҳам қўлланилган. У қиз либосининг бир қисми бўлиб, ундан мучал маросимларида кенг фойдаланилган. Бухоро зардўзлик дўппиларининг ривожланиши бир нечта босқичларни босиб ўтган. “*Гулдўзи*” техникаси ўрнига “*заминдўзи*” техникаси кенг қўлланила бошланди. Йиллар мобайнида Бухоро дўппидўзлик санъати ривожланиб, янгидан – янги усуллар ишлаб чиқилиб,

нақш композициялари мураккаблашиб борди. Асосан дўппилар сиёҳранг, яшил, қизил ва кўк каби духоба матолардан тикилган.

Хулоса қилиб айтиш керакки, Ўзбекистон ҳудудида асрлар давомида халқ бадиий ҳунармандчилигининг ўзига хос йирик марказлари шаклланган. Ҳар бир ҳудуд ўзининг бадиий безак санъати билан бошқалардан ажралиб турган. Дўппидўзлик санъати ҳам жуда қизиқарли ва қадимий санъат турларидан бири ҳисобланиб, асрлар давомида ардоқланган ҳолда мерос бўлиб келмоқда. Ҳозирги пайтда Республикамизнинг кўпгина туманларидаги бадиий буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда турли хил дўппилар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, бу касб билан хусусий тарзда жуда кўплаб малакали чеварлар шуғулланади. Ҳар икки жабҳада ҳам маҳаллий шароитда шаклланган нақшлару чизмалар кенг фойдаланилмоқда.

Ранго-ранг нақшларга бой дўппилар нафақат ўзбек халқ анъанавий миллий либоси, халқ санъатининг оммавий турларидан бири, балки миллий колоритга йўғрилган замонавий кийим бош сифатида ҳам яшаб қолди.

Дўппилар миллий либоснинг бир қисми сифатида республикамиз ва ҳорижда ўтказилиб келинаётган кўпгина бадиий кўرғазмалар, турли танловлар, “Ташаббус” танловларида намойиш этилиб келинмоқда. Ўзбек каштачилари моҳир кўллари билан яратилган дўппилар Ўзбекистон музейлари ва ҳорижий музей залларини безаб турибди. Бу дўппиларда узок асрга тенг миллий урф-одатларимиз, халқимизнинг турмуши, унинг бой маданий ва маънавий мероси мужассамлашган. Ўзбекистоннинг нуфузли музейларидан бири саналган Ўзбекистон Амалий санъати музейи ҳам бундай тадбирларга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Музей экспозициясидан ўрин олган дўппилар кенг оммага алоҳида намойиш этилмоқда. Хусусан, “Ўзбек миллий дўппилари” номли амалий санъат кўрғазмаси 2007 йилда 18 май – Халқаро музейлар куни арафасида музейнинг кўрғазма залида очилди. Унда Республикамизнинг барча вилоятларига мансуб дўппилар намойиш этилди. Ҳар дўппининг нақшинкор жилови, безак унсурлари, бадиий шакли,

ифодавийлиги кўпчилик томошабинларда, айниқса халқ санъатига қизиқувчи кенг омма, журналистлар, дипломатик хизмати вакиллари, чет эллик сайёҳларда қизиқиш уйғотди. Шундай экан, дўппидўзлик санъатининг ноёб намуналарини авайлаб – асраш, халққа таништириш музейлар зиммасида бўлган энг катта ва муҳим вазифадир.

2.2. Бадиий мактабларнинг бир-биридан фарқи

Турли жойларда тикилган дўппилар шакли, нақш ва ранг ечими жиҳатидан бир-биридан фарқланиб туради.

Тошкентда турли-туман бадиий йўналишлар, янги техника ва каштачилик усуллари яратилиб, бу ердан Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига тарқалади. Бу ерда 1950 йиллар бошида икки чизик кесишган белги тикилган дўппи оммалашиб кетган эди. Унда асосий нақш белги – атиргул новдаси бўлган. Одатда атиргул тўқ қирмизи билан уйғунлашган қорамтир-қизил рангдаги ипакда тикилган. Дўппи астари кўпроқ оқранг, баъзан оч яшил рангда бўлиб, уни тўлиқ тикиш расм бўлган. Тошкентда барқутдан тикилган турли хил дўппилар учрайди, уларнинг баъзиларига майда мунчоқ ҳам қўшилган.

Ўзбекистон Амалий санъати музейида сақланаётган Тошкент дўппиларидан кўзга кўрингани “*Тагдўзи*” дўпписидир. У Тошкент услубида 1930 йилларда бажарилган бўлиб, унда пахта матоли, бахмал, ипак иплар қўлланилган ва “босма” чокда ўзига хослик билан бажаралади. “Қизлар дўпписи”. Тошкент, 1949 йил, дўпписи ўзининг бежиримлиги ва бетакрор гўзаллиги билан диққатни тортиши табиий. Бунда яшил, мовий, қизил, пуштиранг иплар қўлланилган. Композицияси жуда ажойиб, худди баҳор фаслида яшилга тўлган чаманзорда лолақизғалдоқ ва бошқа гуллар очилгандек гўё, кўк ранг қўлланилиши эса осмон рамзи маъносини беради.

Она замин ва мовий осмон бир бутунликни ҳосил қилади. Сиёҳранг гуллар, куртаклари, пушти ва қизил гуллар ҳам кашталанган. Фон “ироқи” услубда, умуман Тошкентда аёллар дўппилари “ироқи” услубида тикилган бўлиб, асосини оқ ранг ва ранг-баранг гуллар билан тасвирлаш кенг тарқалган. 1950-60 йиларга оид Тошкент дўппиларида асосан шу услуб кўпроқ қўлланилган. Оқ фонда ўсимлик нақши кўк ва қизил иплар билан тикилган. Композиция ўртасида учбурчак, унда очилаётган гул тасвири. Дўппининг икки бўлими ёнлари кўк, иккитаси яшил. Дўппи ёни қора матодан тасмаланган. Бундай дўппиларни ёш қизчалар кийиб юришган. Намуна сифатида Тошкент каштачилари томонидан 1950-60 йилда бажарилган “Қизлар дўпписи”ни келтирамиз. У жуда бежирим ва ранг-баранг, бундай дўппиларни байрамда кийишган. Тошкентда эркаклар дўпписи чуст услубида, қора, тўқ яшил ва тўқ кўк бахмал матосидан тикилган.

Ўзбекистоннинг кўп жойларида расм бўлган Чуст дўппи қора таглиги, қалампир нусха нақши ҳамда ёнларида устунчалари борлиги билан ажралиб туради. Чуст дўпписи умуммиллий бош кийими даражасига айланган.²³ Музей заҳирасидан ўрин олган чуст дўпписи жуда оммабодир. Унинг хомаки варианты 13 та кўринишда бажарилган, нақши “қалампир”, пахта матоли, бир неча жойида ипак иплар ҳам қўлланилган, умуман чустда “босма” ва “йўрма” чок оммабод саналади. Усталар А.Норқулов, А.Бакхўжаевлар томонидан бажарилган дўппилар вазифаси жиҳатидан жуда мохирона ишланган. Улар Чуст бадий буюмлар фабрикасида бажарилиб, ашёси - сатин, ипак иплардан иборат.

Наманган вилоят чеварлари тиккан Чуст дўппилари нақшларнинг кескинлиги (яхлит бодом, шаклининг қисқа ва кескин қамралган учлари бор) ва ён бошининг анча катталиги билан фарқланади. Чустда “Тўй”

²³ И.Богословская. Л.Левтеева “Нақшин дўппилар сеҳри”. “Санъат” журнали. №1. 1999, 36-бет.

дўппилари Ўзбекистонда кенг тарқалган турларидан бири. Чуст дўпписининг шакли қаттиқ, тўртқиррали, бурчаклари эгилган. Дўппи тепасида дўппини тўрт бўлимга бўлувчи чизиклар йўқ. Кизакнинг нақши ичидаги остки қисми нақш билан боғланмаган, равоқ – мусулмон меъморчилигидан олинган нақш беаги билан безатилган. Унинг маъноси тахминан шундай - инсонга осмондан илоҳий кучлар ёрдам бермоқда каби маъно бўлиши мумкин. Чуст дўппиларининг барча кўринишлари, композиция, силуэт, ранг уйғунлигида бажарилган. Шунинг учун кашта усталари ўзининг тасаввурини деталларнинг майда ишланишига ва фонни бойитишга қаратадилар. 1920 йиллардан бошлаб чуст дўппилардаги илгариги чизматасвирлик ва бир ранглилик сақланган ҳолда унга тўрсимон кўриниш - доира, шохчалар, томчилар, “бодом” тасвири билан уйғунлашган, нозик тўрли нақшларни ҳосил қилади. Масалан, **эркаклар дўпписи**, Чуст. 1940-50 й. “Қалампир” эгилувчанлик тасвирида кўчқор боши, “хаёт ғилдираги”, “розетка” кашта нақшлари ҳам учрайди.

Чуст йўналишидаги **Марғилон** дўппиларида қалампир шакли нозик, ингичка ва майин. Марғилон хотин-қизлари дўппиларининг ўзига хослиги шундаки, уларнинг таглиги яхлит оқ ипларда тикилади. Беагидаги асосий мавзу – гуллаётган бута, баъзан унинг шохида турган яшил ёки кўк рангдаги қуш бўлиб бундай дўппилар Фарғонанинг марказий ва ғарбий қисмидаги барча жойларига хос. Фарғона водийсининг “*сандали*”, “*аққа икки сўм*”, “*чимбой*”, “*сурка-чекма*” каби турли хил дўппиларидаги нақшлар соддалиги билан фарқланади. Музей захирасидан ўрин олган эркаклар ва аёллар дўпписи атиги 7 донани ташкил қилган. Чизматасвири нозик чоклар билан тикилади. Қора сатин фонидан ташқари яшил, айниқса тўқ яшил “носвой ранг” ишлатилади. Марғилонда аёллар дўпписи ўзининг ёрқинлиги ва кўпранглилиги билан ажралади. Нақш композицияси тўрт қисмли, шоирона “*чаманда гул*” деб номланади. Пушти ранг гуллар яшил

шоҳларда жойлашиб, фон оқ ип билан тикилади, қора ранг контур бўлиб хизмат қилади. Тасвир жуда шартли ва безакдор. Чуст йўналишидаги марғилон дўппилари Ўзбекистонда жуда машҳур.

Эркаклар дўпписи аёлларникига ўхшаш безакдор ва нафис. Байрамона композициялари диққатни тортади, 70-чи йилларда рамзий нақшлар урф бўлиб, асосан “балиқ” нақши кўпроқ тасвирланган. Тепа қисмининг бўлими тўртбўрчак шаклда, “шахмат” тасвирини ҳосил қилган. Музей бўлимида 7 дона марғилон дўпписи ўрин олган. Улар 1930 йилда каштадўзлар томонидан моҳирона сатин, ипак иплар ёрдамида бажарилган. Чоки “босма”, “илмоқ” кабилар қўлланилган.

Самарқанд вилоятида дўппилар қирмизи, яшил, сиёҳранг ипак ёки сатин ва четдан келтирилган алвондан тайёрланиб, албатта, кашта тикилган. Нақшларида тўғри чизиқлар ёки кўп баргли “офтобпараст”, “қўчқоршоҳ”, “чоргул” тасвирлари устунлик қилган. 1940 йилда дўппиларда нақшнинг энг четларида тўғри чизиқ нозик тўрли қилиб ўтказилган фон заминини қисқартирган. Улар жуда нозиклиги билан ажралади. Қора сатин фонида тўрт баргли майда нақш, қора ипак ипларда бажарилган. Бу гуллар, бир тарафдан кўзга яхши кўринмас, лекин жуда жилоли бўлган. Аёллар дўпписидан кумуш ёки тилла рангли парча матодан тайёрланган дўппилар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Тепа қисми диагонал асосида тўрт бўлимга бўлиниб, ҳар бир бўлим гулдастали гуллардан иборат. Бундай гулдор дўппиларни ёш йигитлар ҳам кийишган. Музейда ўрин олган дўппилар Самарқандда XIX аср охири XX аср бошига тегишли, пахта мато, велур, ипак ипларда бажарилган. “Босма” чок қўлланилган. Дўппилар турли номланаган “Қирқоёқ”, “Оқ пар”, “босма”, “йўрма”, “кандаҳаёл” чоклар қўлланилган. “Йўрма” чоки кўпроқ қўлланилади.

Самарқанд дўппиларининг кўп қисми “пилтадўзи” усулида тайёрланган тепа қисми ва тағламаси ёнма-ён бирлаштирилиб, улар орасига темир пилталар орқали қоғоз ёки пахта найчалар киритилган, натижада дўппи юзасида бўртма бурмалар ҳосил қилинган. Замонавий дўппилар эскилардан қобирғасимон юзаси билан фарқланади.

Пилтадўзи усулида **Сурхондарё** вилоятининг кўп туманларида дўппилар тикилади. Бу усул аввалги, эски намуналаридан қобирғаларининг кичиклиги билан фарқланади. Нақш композициясида чизиқларнинг тик бўлиниши ва тўғрилиги каби хусусиятлар устунлик килади. Дўппиларни Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ҳам қизлар, ўғил болалар, эркаклар ва аёллар севиб кийишади. Уларни байрамона тус олишида Бойсуннинг ёрқин колорити, тўйлар ва байрамлар кўпроқ бўлиши таъсир этган. Бу дўппилар бахмал, бир хилда бисер қўлланилган, пахта иплар, ипак ва бошқалардан фойдаланилган.

“Каллапуш” номли дўппи Бойсунда ҳам бор. У 1985 йилда вельвет матосида, ипак иплар билан, “хомдўзи” ва “илмоқ” чокида бажарилган,

Кашта нақши геометрик шаклда. Кашта нақши йирик, бироз бурчакли шаклда, ранглар ёрқин, қизил, оқ, қора, сариқ рангларнинг кўнғироқсимон уйғунлигида. Сурхондарёнинг Бойсун туманида кийиладиган айрим бош кийимлар ниҳоятда ўзига хос бўлиб, бу ерда бошқа халқларда учрамайдиган “Бошўров” деб аталадиган саллага ўхшаш кўринишдаги бош кийим қадимдан урф бўлган. Аёлларнинг ёшига қараб бошўровлар ўралган. Кийгичнинг олдинги томони каштаси “чероз” усулида турли рангдаги иплар билан ироқи шаклида безатилиб тикилган. XX асрнинг 50-чи йиллардан бошлаб эса, “ғилдирак дўппи” деб номланадиган дўппилар кенг тарқалган.²⁴

²⁴ Исмаилова Э. К семантике тюбетейки-доппи. Санъат. 1999. №2. 8-бет.

Самарқанд дўппилари орасида **Ургут** дўппилари ўзига хос – қалпоқ бўлиб, четлари кенг, тепаси ясси ва кичик бўлади. Нақши бир ерда йиғилган доираларда, уларнинг мотивлари тагдаги тўрт ёки саккиз қисмларда жойлаштирилган. Қорамтир, одатдаги сиёҳранг фон ва ёрқин безак Ургут дўппиларига хос. Тўғрироғи, бу йирик ва кўламли, замонавийлаштирилган буталарда кўринади. Уларда жун иплар, тошчалар, бисер, “босма”, “йўрма” чоклари қўлланилган.

Ургут эркаклар дўпписи сиёҳранг фонда тикилади. Улар тўртта оч рангдаги бир бири билан боғланмаган нақшлар билан тўлдирилган. Кейинчалик улар йирик ва жимжимадор гулдасталар кўринишида дўппилар тагини қоплаган. XX аср бошидан бошлаб Ургутда дўппини аёллар ҳам кийишган. Эркакларникига ўхшаш, айлана шаклида, астарланган, чокли, қоғоздан пилталар кўйилган. Аёллар, эркаклар дўпписи бир хил номда “қалпоқ” деб юритилган.

Бухоронинг зардўппилари ҳамisha машҳур бўлиб, безакларга бойлиги билан ажралиб турган. XIX –XX асрларда, савдо йўллари ва карвонларининг туташ жойи бўлган ҳамда аҳолининг этник жиҳатидан кўпқирралиги ва маданиятлар чатишуви каби хусусиятлар билан ажралган. Бу ҳудуддаги кашталар нозиклиги ва гулдорлиги билан ифодаланади. “Каллапуши бухоро” дўпписи бошқа ҳудуд дўппиларидан нафақат ўз номи балки алоҳида ажратиб турадиган хусусиятлари билан ифодаланади. У сидирға бахмал ва духобадан тикилган, ранги қора ёки тўқ яшил эди. Дўппи атрофи сидирға матодан бўлган тасма ёки тўқилган “зех” жияги билан тикилган, ёнидан ўша ипдан иборат, ёки ипакли оқ ипдан попук қилинган. “Каллапуши зардузи” ҳозирги вақтда тўй маросимлари ва ўғил болаларнинг суннат тўйларида кийиладиган кийим анжомига киради. Илгари бухоро дўппилари қиз болаларга 12 ёшга тўлгач мучал тўйида кийилган. Зардўзлик санъати билан фақат эркаклар шуғулланганлар ва

ўғилларига мерос қилиб қолдирганлар. 1930 йилларда дўппиларда “гулдўзи” нақши қўлланилган, 1940 йилда текис фонда тикиш “заминдўзи” кенг тус олди. Каштали “қўбба”лар ҳам тикилади. Дўппилар кумуш, тилла ва мисли тангачалар билан қопланган. Ўша йилда бухоро зардузи уста Н.Аминов «товус» тасвирини ишлаб чиқади ва уни доира шаклига нозик чизиқлар билан жойлаштиради.

Ҳозирги кунда Бухоро фабрика ва хусусий корхоналарда асосий ашё сифатида фабрикада ишлаб чиқариладиган симзар қўлланилади, бухоролик зардўзлар уни “*каллабатун*” дейишади. Зардўз дўппилар тайёрлаш учун фақат юмшоқ (сиёхранг, яшил, кўк, зангори, қора) барқутлар ишлатилади.

Зардўзлар тикишнинг икки усулини қўллашади – зардўзи-заминдўзи, бунда фон яхлит зар билан қопланади, зардўзи-гулдўзида эса чизма қилиб тайёрланган қалин қоғоз мато фонига қўйилган ҳолда тикилади. Зардўппилар Ургут ва Самарқанд вилоятларида ҳам тикилади ва аксинча Бухорода ургут дўппилари машҳур бўлган.

Шаҳрисабзнинг гилам дўпписи конуссимон шакли билан фарқланади. Бу дўппилардаги колорит оқ, қора, қизил, сариқ ёки сиёхранг ранглар уйғунлигида ҳосил бўлади. Баъзида кўпгина нақшлар қизил-қора чизгилар билан оқ фонда берилади. Шаҳрисабз ва Китоб дўппиларидаги нақшлар икки турга бўлинади. “*Санама*” дўпписидаги нақш ёнлама қатор қилиб жойлаштирилади, “*чизма*” дўппида эса нақш дўппи тепаси айланасида йиғилиб, айлана шаклида тик йўналишда таралади. “Санама” усулидаги дўппиларнинг нақшлари кетма-кет тикилган бўлса, “чизма” усулида дўппилар кашталанган нақшлари айлана бўйлаб тикилиши билан фарқланган. Яна дўппиларда, айниқса 1959 йилгиларда сатин, вискозалар қўлланилиши кенг тус олди. “Ироқи”, “санама” ва “чизма” чокларида кўпроқ тикилади. 1990 йилда дўппидўз уста К. Исмоилова томонидан

бажарилган нақшинкор дўппи музей коллекцияси орасида муҳим ўрин олган.

Шаҳрисабз Бухородан кейин иккинчи кашта марказидир. Бу ерда тикиладиган дўппилар нақшинкор, гилам кўринишида бажарилган. Улар бажарилиши ва кўриниши жихатдан жуда сифатли. Бу ерда “канда хаёл”, “йўрма” ва “ироқи” нақшлар қўлланилади. “Ироқи” нақшида геометрик ва ўсимликсимон шакллар эркин берилиб, қора ипак фонида ёрқин рангли кўриниш ҳосил бўлади. Шаҳрисабз дўппилари нақши ва кўпранглилиги, кўпроқ малина ва кўк ранглар қўлланилиши билан ажралиб туради.²⁵

Тахя, тайха, чумакли тахя, куш – булар Хоразм эркак ва хотин-қизлар дўппиларининг номлари. Улар қизил-қора, йўл-йўл олачадан, баланд, конуссимон шаклда тикилган. Тахя ҳали турмушга чиқмаган қиз учун, қора барқутдан тайёрланади. Чумакли тахя анча узун тикилиб, ёш келинчакнинг сепида энг зарур буюм ҳисобланади.

Хоразм эркаклари XIX аср охири XX аср бошида мўйнали телпак остидан қирилган бошнинг устига *тахя* матодан қалпоқча кийиб, улар хоразмча “тахя” ёки “тайха” номи билан юритилган. Мўйнали қалпоқ каби у ҳам етарли даражада ўзгариб борди. Қалпоқчалар икки хиллиги намойиш этилган. Биринчиси, тепаси доира шаклида бўлиб, унда битта бўлими ажратилиб конуссимон шакл берилган. Шунингдек, “етик” деб номланувчи ён қисми ҳам бор. Қирқилган атрофлари тикилганда 15 см узунасига қалпоқни ҳосил қилган. Қалпоқча йўл-йўл қизил ва қора олачи матодан, астари тикилган. Тепаси чокланган ва ичига пахтадан пилталар жойлашган. Бундай дўппини ёз кунлари уйда кийишган, уйдан чиққанда телпак кийишган. Бу дўппининг шакли кулоҳга яқин бўлган. Булардан илк дўппилар “Тахя-дўзи”, XIX аср охири ва Қизлар дўпписи, Хиванинг XX асрнинг I-ярмига тегишлиги дўппилар музей экспозициясидан ўрин олган.

²⁵ Богословская И., Левтеева Л. Ўзбекистон дўппилари. Миллий тикланиш. 1997. 4-бет.

Хоразм эркаклар дўпписининг эски кўринишида гардиши ва ички қисмдан иборат бўлиб, “кўш” деб номланади (иккитали дегани). Дўппининг бурчаклари айланасимон, у ҳам чокланиб, рангли матодан ипак симчалари билан тикилган. Ички қисми тўрт қисмга бўлинади, ўн иккита қатламга таҳланади ва таҳланган жойдан тақилган. Тақилган пахтали пилталар тиқилиб, улар ўн иккита қобирғани ҳосил қилади. (ўн икки сой маъносини беради).

Умуман олганда, Тошкент, Наманган (Чуст), Марғилон, Самарқанд (Ургут), Сурхондарё (Бойсун), Бухоро, Шаҳрисабз, Хоразм (Хива) мактабларининг ўзига хос хусусиятларидан: уларнинг ранги, нақши ва нақшлардаги рамзий маъноси, шакли, вазифаси, тикилиши каби жиҳатлари уларнинг бадий ва вазифавий ифодаларини белгилаб беради. Бу жиҳатларнинг барчаси дўппиларнинг бетақрор, нақшинкор кўринишлари билан барча кишиларни ҳайратда қолдириб келмоқда.

III БОБ. Дўппидўзлик санъатида қўлланиб келинаётган нақшлар

Дўппилар ўзининг бадий кўриниши, ўзига хос ифодавийлиги, кулайлиги ва фойдалиги, безакдорлиги билан диққатни тортади.

Дўппиларнинг хилма-хиллиги - куббасимон, тўртбурчак, думалоқ, гумбазсимон шакллари, уларга тикилган кашталарнинг безаклари бойлиги баъзан тўрсимон, баъзан йирик рельефли, баъзан гиламга ўхшаш тус олиши, матонинг оқ-қорадан тортиб камалаксимон жилоланишигача рангларнинг анвойи товланиши - ўзбек бош кийимининг хилма-хиллигини кўрсатади. Дўппиларнинг устки қисми ва жияги гулдор геометрик нақшлар билан яхлит тагдўзига гоҳида тўгараклар, гоҳида гул шохлари шаклида тикилади. XIX аср ва XX асрдан бошлаб дўппиларда ҳар хил маҳаллий хусусиятлари шу қадар аниқ берилдики, уни кийган кишининг асли қаерданлигини аниқлаш осон бўлган.

Мана бир неча юз йилдирки, каштачилик санъати келин сепининг ажралмас ва асосий негизи бўлиб келмоқда. XIX аср охирларига қадар аёллар каштанинг қўл меҳнатига асосланган “*босма*”, “*йўрма*”, “*кандаҳаёл*”, “*проқи*” сингари чокларини қўллаб каштачилик буюмларини яратиш келганлар. Ўзбекистоннинг бадий каштачилигида кўплаб техник усуллар ҳозирги кунгача самарали қўлланилиб келинмоқда. Хусусан, чокларни йўрмалаш, деталларни майда пардозлашга катта аҳамият берилган. Тасвирларнинг йирик парчалари ё бир ёқлама текис *босма* билан тикилиб, пишиқ, сал-пал бўртиқ таглик ташкил қилган, ё бўлмаса майда ярим катак шаклидаги нақшнинг устки қисмини дона-дона қилиб кўрсатувчи *проқи*, ё таъсир кучи аниқ ҳисобга олинган қимматбаҳо тошларнинг товланишидай таассурот туғдирадиган тўқима баҳяли *йўрма* тикилади. Йўрма кўпинча жиякларга ва нақшлар тарҳини ажратишга ишлатилган. Шунини айтиш керакки, ҳар бир баҳя кўплаб вариантга эга бўлган.

Каштачилик санъатининг ҳар ҳил марказларида тикишнинг муайян усулини афзал кўришган, бу эса маҳаллий услубларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Кашталар нақшларини биз бир неча гуруҳга ажратамиз:

- рамзий-аломатли мавзулар:
- ўсимликсимон;
- гириҳий (ҳандасавий);
- ҳайвонлар тасвири (зооморф услуби);
- антроморф (одам тасвирли) мавзулар;
- маиший ҳаёт буюмлари ва эпитафик (ёзувли) нақшлар.

Каштачиликнинг Тошкент, Бухоро, Нурота, Шаҳрисабз, Фарғона сингари маҳаллий мактаблари мавжуд. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг қишлоқларда яшайдиган аҳолиси қўл ҳамда тикув машиналари каштачилиги билан оммавий тарзда шуғулланишмоқда.²⁶

Рамзий-аломатли мавзу ўзбек каштачилигининг муҳим аҳамиятли нақшли гуруҳларидан биридир. Келиб чиқишига кўра улар бирмунча қадимий ва ҳалқ санъатининг қатламларини ўзида мужассамлаштиради. Уларнинг сақланиб қолиши, биринчидан, каштачилик санъати жуда кўхна илдизларга эга эканлигини, иккинчидан, санъатнинг бу турида анъанавий шаклларнинг қатъийлигини бевосита белгилаб туради. Бирмунча кенг тарқалган белгили рамзлар сарасига **күёш, ой ва юлдузлар** туркуми тизимидаги белгилар киради. Бу белгили рамзлар изоҳидаги жиҳат уларнинг халқ назми ва фольклор тасаввурлар билан боғлиқлигидир. Назмий-фольклор қиёфаларнинг нусхаси (эквиваленти) бўлиб келади. **Айлана, ромб, хоч, тўлқинли ва тўғри чизиқлар** халқ санъатида бирмунча қадимий (архаик) мавзулар саналади. Зеро, айлана, ромб, ва хоч ягона ғоявий маъно касб этиб, улар күёш илоҳасининг рамзи ёки ажралмас унсурлари бўлиб келган. Дунёнинг бошқа халқлари сингари Ўрта Осиё халқларида айлана күёшнинг,

²⁶ Исмаилова Э. К семантике мотива цветка в вазе. Санъат. 1999. 10-бет.

айниқса, ой (тўлин ой ғояси акслантирилиши)нинг рамзи бўлган. Айлана (доира) ёвуз кучлардан сақловчи тумор, шунингдек, Оллоҳ ва коинот рамзидир. Айлана энг мукаммал шакл бўлиб, тўла-тўқислик ва бахтнинг аломатидир. Ислом давридан илгари даврдан олдин пайдо бўлган мотивлардан бири “*чахар чироқ*” (тўрт чироқ) марказий қисмдан розетка ва ундан тўрт ўткирли овал гуллардан ташкил топган. Бу чироқ ва унинг пилталари учун мўлжаланган насадкалари, ўткир тиллари оловнинг тилларини эслатади. Дўппиларда бу рамз Самарқандда қўлланилган. Катта бўлмаган нақшлар, олов рамзлари Ўрта Осиё халқлари диний маросимларида олов химоя кучини ўйнайди. Оловни келин куёвлар, гўдаклар ва туққан аёл хонасида ўчириш мумкин бўлмаган.

Каштачи аёлнинг санъати, унинг нозик диди дўппини безашда ўз ифодасини топади. Ёрқин рангли иплар билан кашталанган дўппилар нақш санъатининг нозиклиги ва гўзаллиги билан ажралади. Нақшларнинг кўпгина композициялари мавжуд бўлиб, улар доимо янгиланиб турар ва мерос бўлиб ўтади. Нақшлар шакли сақланишида ўтмишда аёлларнинг фақат уйда ўтириши сабаб бўлди. Дўппилар нақшининг бойлиги ўзбек халқининг маънавий хаёти, анъаналар ва шоирона дунёқараши билан боғлиқ.

Кашталар безагида серҳашам гулли тўпбарггуллар, гулдасталар, гул ва барглардан ташкил топган ўсимликсимон нақшлар асосий ўринни эгаллайди. Бу эса табиийки, ўлканинг жазирама ёз хукм сурувчи табиати ўсимликларга эътиқоднинг юксаклигини, уларни турли шаклларда назмий талқин этилишига имконият яратади. Бундан ташқари, кашталарда ўсимликсимон нақшларнинг устунлик қилиши уларнинг ижодкорлари ўтроқ-деҳқончилик билан шуғулланувчилардир. Шунингдек, ўсимлик-гулли мавзуларга содиқ бўлган исломнинг бадий анъаналари таъсирини кўрсатади. Юлдуз туркумлари рамзлари етакчи бўлган Тошкент кашта палак ва дўппиларини ҳисобга олмаганда, барча ҳудудлар каштачилигида ўсимликсимон мавзулар бирламчи аҳамият касб этишини англаш қийинмас.

Маҳаллий табиий шарт-шароит халқ каштачилигининг туганмас манбаидир. Шундай экан, **ўсимликсимон нақшларда** буталар, гулдасталар, шохлар, алоҳида гулли тўпбарггуллар катта ўрин эгаллаши тасодифий эмас. Бу мавзулар орасида учрайдиган йирик буталар ҳам, майда шохчалар ҳам учбарг, ярим айлана ёки шунчаки йўғонлашган асосда изоҳланишини белгилаб ўтиш қизиқарли. Баъзи ҳолларда ердан ўсиб чиқаётган ва илдизлари унга қараб кетаётган тирик ўсимлик шартли тасвирланади. Бошқа бир вазиятда гуллар, барглар ёки тўпбарггуллардан ўсиб чиқаётган лола ёки нилуфар сингари гуллар тасвири бирмунча кўпроқ учрайди. Кашталардаги гулли мавзулар орасида Ўзбекистонда ўсаётган гулсавсар, чиннигул, гултожихўроз, цинния (безакли гул), гулхайри, олма гули сингарилар мавжуд эканлиги ҳам тадқиқотчилар томонидан таъкидланади. Мевалар орасида эса анор, олча ёки гилос, бодом, гармдори ва кўкнор тасвирлари бирмунча оммавий тус олган.²⁷

Каштада гулларни икки услубда тасвирлашган – бўйламасига кесишган гуллар, улар ўзаро боғлиқ бўлиб, ички тузилиш ҳамда гулнинг юқоридан “кўриш”ига имкон берган. Бу пайтда гулнинг қиёфаси табиийсига жуда яқин, лекин шакли анча соддалаштирилган.

Гулли мавзуларнинг ранг-баранглигига нафақат шаклларни ўзгартириш эвазига, балки ранглар ечими орқали ҳам эришилган. Каштадўзлар ипларни танлар эканлар, уларни доимий тарзда алмаштириб туришади. Масалан, бир гулни қизил ва тўқ қизил туслар ёрдамида ёки қизил ва кўк рангдаги иплар билан кашталашади. Бироқ, XIX аср охирларига келиб шаклдаги сингари ранглар ечимида сезиларли тарзда соддалаштирилганлик маълум бўлади. Мевалар мавзуси орасида “*бодом*” ёки бунинг ўхшаш шакли “*қаламтир*” мавзуси ҳам жуда оммавий бўлиб, бир қанча кўринишларга эга бўлган. Равшан бўладики, у ўзининг келиб чиқишига кўра ўсимликсимонлардан эмас, балки ҳайвонот оламига шаклига мансубдек, унинг ғоявий-мантикий

²⁷ Исаева-Юнусова Н. Таджикская вышивка. – М.: 1979. 39-бет.

аҳамияти йўқотилган. “Бодом”нинг турли шаклли нақшларини ўрганиб чиқиш бу нақш қисмларининг доимий тўкилиб, узилиб туришини кўрсатадики, у ўтмишда бирмунча тушунарли бўлган “*тустовуқ*” шаклидаги нақшларни хусусиятлайди.

Ҳайвонларнинг тасвири рамазлари Ўзбекистон санъатида қадим даврлардан бўён анъанавийдир. Ҳайвонлар ёки одам тасвири нақш унсурларини тўлдириш мақсадида, айниқса, уларнинг безаклари гулли-нақшлар билан боғлиқ бўлган бир пайтда, кашта ва дўппиларда кўп учрайди. Шунга қарамай, биз қушлар ва балиқлар тасвирига ёки маълум ҳайвоннинг алоҳида қисмларига (халқ санъати учун анъанавий бўлган “қисмдан яхлитлик” тасвир услуби) кўпинча дуч келамиз. Кўпинча ҳайвонлар мавзуси халқ санъатида шакли юзага келтиришдаги умумий услуб деб тушунтирилган ўсимликсимон нақшларга ўхшатилади. Улар кенг оммалашган. Турли тасвирлар билан яширилган композицияда, бирданга барг ва бодом шаклида думи ёки тожи гуллар билан безатилган балиқ ёки қушни кўришимиз мумкин. Баъзи ҳайвонлар тасвири композициялар маъновий жиҳатлари мавзунинг умумий моҳиятига кўра тушунилади. Масалан, сув билан боғлиқ балиқ қачонки бута асосида тасвирланса, одатда, балиқ ҳосилдорлик рамази бўлишига қарамасдан, моҳиятан у сувнинг ҳаётбахшлиги билан боғлиқ ҳолда тушунилади.

Бошқа мавзулар ҳам, худди шунингдек, кўп маъноли бўлиши мумкин. Қушлар тасвирига алоқадор ҳолда, масалан хўроз, товус сингарилар ҳам кўп маъноли шарҳларга эга.

Булар фақатгина қалб ҳақидаги тасаввурлар билан алоқадорликни айтиб ўтганимизда шунингдек, қушнинг вазифаси икки олам ўртасидаги воситачи эканлиги тушунилади. Хўрозлар тасвири (хўрозлар ҳақида тожларига кўра мунозара юритиш мумкинлиги) XIX асрга тегишли Шаҳрисабз каштасидаги нишонли композициясида бир неча маротаба такрорланган. Бу қушларнинг танасини нишон марказида (улар марказий

кичикроқ айлананинг асос айланаси бўйича жойлаштирилган), шунингдек, ўрта майдоннинг ингичка қисмида кўшалок ҳолда ва ҳошияда яъни араб ҳарфларида битилган жимжимадор лавҳалар ичида қушлар қиёфалари галмагал такрорланади.²⁸

Буюмли нақшлар мавзуларига, авваламбор, сув учун мўлжалланган кумғон (офтоба) киради. Офтоба, кўпинча, ислом учун зарурий унсур бўлганлиги боис, диний-маросимий покизаллик рамзи сифатида талқин этилади. Бироқ у сувнинг рамзи ҳам бўлиб келади, бу билан унинг жонбахш қуввати инобатга олинади. Лекин тасвирда барглар ва чирмашувчи поялар орасида уни ажратиб бўлмайди. Офтоба тасвири Шаҳрисабз кашта ва дўппиларида тез-тез учрайди. Бу мавзу ўрта ингичка майдонда ва ҳошияда тасвирланади. Офтобанинг шакли унча катта бўлмаганлиги боис, йирик буталар ва гулли тўпбарггулар орасида кўримсиз бўлиб қолади. Шунинг учун каштадўзлар уларни тасвирлашда ҳар бирига алоҳида рангларда фон бериб ажратиб кўрсатишади. Навбатдаги композицион мавзу сифатида исломгача бўлган “тўрт чироқ” (чор чироқ) қаралади. У марказий тўпбарггул ва ундан чиққан тухумсимон гуллардан ташкил топган. Буларнинг барчаси пилик учун мўлжалланган тўрт илмоқли мойчироқ сифатида изоҳланади: уларнинг учлик шакллари олов тиллари сингари талқин этилади.

Эпиграфик нақшлар ҳам кашталарда кўпроқ XIX аср дўппиларида учрайди. Ҳозирги вақтда Бухоро ва Шаҳрисабз мактабларига хосдир. Шу билан бирга қайд этиш лозимки, амалий-безак санъати буюмларига ёзувларининг киритилиши амалиётда тарқалган. Шарқ санъатида ёзув ўзида муқаддаслик хусусиятини намоён этади ва унинг буюмларда ифода этилиши ўша буюмга муқаддаслик рамзий аломатини баҳш этади. Жуда камчилик каштадўзлар араб ҳарфларини ишлата олганлиги боис, ёзув кўп ҳолларда тушунарсиз, кескин услублаштирилган бўлади. Шунга қарамай ўқилмайдиган безакдор ёзувлар амалий-безак санъатида анча-мунча

²⁸ Абдуллаева Ш., Турсунова Г., Мусабаева К. «Каштачилик». – Т.: 2005. 77 бет.

оммавийлашган. Тушунарли, ўқилишига имкон берадиган ёзувлар ҳам учрайди, улар Қуръон сураларидан олинган ёки келинчакка онаси ёки бошқалар томонидан билдирилган самимий тилаклар бўлган.

Каштали дўппиларнинг нақшинкор услуби ўрта аср миниатюра ва амалий санъатдаги ривожини топган бой нақшларга яқин. Турмуш ва табиат ҳақидаги одамларнинг тасаввурини акс эттирган дўппилар турли вақтда ривожланган образларни ўзида сингдириб синтезлаштирган. Анъанавий нақшлар ҳар хил кўриниши янги ва янги композицияларни яратишга имкон берган. Ҳар бир уста янги мотивларни такрорлаб қолмасдан кўпинча бирдагина нақшнинг янги композицияси янгича талқин этган, ёки унинг ранг уйғунлигини ўзгартириб, дўппига ўзига хослик ва ноёблигини оширган. Шаклланган анъаналарнинг маълум чегарасида шундай қилиб дўппиларни кашталашда нақшларнинг чексиз бой ва турли варианты яратилган. Нақшни тузилиши ва унинг безакли ва рангли ечими, ашёлар фактураси ва каштачилик техникаси ўзаро боғланган ва бир бирини тўлдириб бориб, ягона уйғунликни ташкил қилади.

Шундай қилиб, дўппиларни кашталаш санъати Ўзбекистоннинг амалий безак санъати марказларида асрлар давомида шаклланган ва бой анъаналарни мерос қилган ва халқнинг ҳаёти ва анъаналари билан мустаҳкам боғлиқ. Бу бежиз эмас, ўзбек каштачилик санъатида учрайдиган безак элементлари, реал ҳаётни акс эттиради ва уни англаш, кўрсатиш, шакл ва ранг мукамаллиги билан ҳайратланиш натижасидир.

3.1. Дўппиларда қўлланилган нақшлар ва уларнинг рамзий маънолари

Дўппи тикиш санъати билан азалдан асосан, хотин-қизлар шуғулланиб келишган, кўпчилик нақшларни улар яратишган. Ҳар бир

чевар нафақат маълум бир андозани такрорлаган. Балки, тез-тез ўзича нақш композициясини ўзгартириб, унинг ранг тусини алмаштириб борган, бу эса дўппига алоҳида ҳусн бағишлаган. Шундай қилиб, анъаналашган сари бу санъат авлоддан авлодга ўтиб, дўппиларнинг кашталарида ранг-баранг ва бетакрор нақшлар пайдо бўлиб борган.

Ўзбек каштачилик санъатида учрайдиган безак унсурлари реал дунёни тасвир этиб, унинг англашнинг ўзига хос воситаси, шакл ва ранг мукаммалигидан ҳайратланиш ифодаси ҳисобланади. Дўппи каштасида атиргул, гулсафсар, чиннигул, лола, кўкнори, гултожихўроз, олам гули каби гул турлари, бодом, чарос, қалампир, анор сингари мевалар тасвирланади. Ўсимликсимон нақшлар, тустовуқ, хўроз, булбул каби рангни қушлар тасвирлари билан қўшимча тўлдирилган. Қушлар шакллари ёрқин безакларда берилган. Улар ўз услубига кўра нақшлар билан яхлит уйғунлашган. Чизгилар гарчи шартли бўлсада, уларда тасвирларни осон билиб олиш мумкин.

Дўппида кўп учрайдиган тасвирлардан бири – қут-барака ва ҳаёт рамзи бўлган бодом нақшидир. Унинг муқобили сифатида нозик ва ингичкароқ “қалампир” нақши тикилади. Ўзбекистонда болалар, биринчи навбатда янги туғилган гўдаклар, шунингдек кўзи ёриган аёлларни ёмон кўзлардан асраш маъносида бодом ёки қалампир шаклида тумор тақишади, шу боис уларни халқ санъатида ҳам химоя маъносида қўллашган. Бодом нақши шифобахш мева ва баҳор келганидан дарак берувчи рамз сифатида тасвир этилган.

Ёмонликдан асровчи сифатида дўппиларда кўп тарқалган нақшлардан яна бири – илон изидир. Ўтмишда илонга сажда қилиш илоннинг сеҳрли куч-қудрати ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ. Дўппиларда бошқа ҳайвонлар – тоғ кийиги, чаён, қоплонга ўхшаш тасвирлар ҳам тикилган.

Ҳандасавий нақшлар ҳам оммавий бўлган. Тик, кўндаланг чизиқлар ва тўғри бурчаклар чатишуви комил уйғунлик деб қаралган. Тўлқинсимон ва сочма нақшлар оби ҳаёт тўлқинлари тимсолини акс эттириб, улар деҳқончиликда қут-барака рамзи бўлган.

Дўппиларнинг нақш композицияларида қатор ҳолларда араб ёзуви каштага уйғунлашиб кетган. Доно сўзлар, самимий тилаклар ва ҳаётий иборалар дўппи каштасининг мазмуни ва ифодавий нафосатини теранлаштирган. Бу нақш – ёзувлар бир вақтнинг ўзида кўзларни қувонтириш ҳамда ақлни пешлаш учун хизмат қилган. Ўзбекистон тарихи Давлат музейида сақланаётган XX аср бошига мансуб, Бухоро эркак дўпписида араб ёзувида оқ ип билан шундай сўзлар битилган: “Қулоҳ, майли, бошда қолсин, душман ер билан яксон бўлсин”.²⁹

Дўппилардаги қадимги рамзлар бугунги кунда ўз маъносини йўқотган. Улар безак сифатдагина қўлланилади. Ҳозир амалдаги ўсимлик нақшлари мазмунан турли-туман. Дўппилардаги нақшларни бойитишга ранг воситасида ҳам эришилмоқда. Дўппидаги колорит ечимида каштанинг ўзидаги ранг ва таглиги ҳисобга олинади. Қаватларнинг тархидаги йўллар ипак ўзаги билан қўшилиб, уйғунлашиб ажойиб безакка айланади. Ипнинг пишиқ чийралганлиги, товланиши ва рангланишининг сифати катта аҳамиятга эга. Айниқса, нақшнинг тархи ва аниқлиги кўп жиҳатдан ип рангига боғлиқ.

Ўсимликсимон нақшлар ёрқин ва гўзал қушлар тасвирлари билан кўпинча жонлик берган. Асосан булар фазан, хўроз, булбул тасвирлари бўлиб, қушлар қомати жуда ёрқин, нақшга бўйсунган ҳолда киритилиб, жуда шартли талқин этилади. Дўппилардаги қушлар нақши дўппиларнинг номида ҳам ўз аксини топган. Масалан, қўқон дўпписининг турли хил кўринишидаги чизматасвир “оқ пар” – оқ пат деб номланади. Ургут

²⁹ Турсуналиев К. Все цвета радуги. – Т.: 1991. 35-бет

вариантида – дўппи “мусча”, самарқандча “мургак”, Челак дўппиларида “ўрдак бўйни” услубида бажарилган.

Ислом динида тирик мавжудотларни тасвирлаш ман этилгани учун каштачиликда ўтмишдан бошлаб ҳозирги кунгача асосан ислимий тасвир қўлланилмоқда. Рангли ечими нақшнинг гулли ва барглар қисмини қарама-қаршилигида ҳосил бўлган. Ўсимликсимон шакллар ва мотивлардан тузилган композициялар – дала ва боғ гуллари, майсалар ва бошқалар ўзининг ҳаракати, ритм, бурилиш, кашта четлари катталиги ва тўлдирилиши жиҳатидан кўпқирралиги билан ифодали. Тасвирланаётган ўсимликлар безакдорлигидан ташқари даволаш кучига эга эканлиги ва кўпгина даврларда қўлланилиши ҳисобга олиниб керакли ўсимликлар тасвирланган. Ўсимликсимон нақшлар орасида – атиргул, гулсафсар, чиннингул, лолагул, гултожихўроз, олма гули ва бошқалари кўп тарқалган, мевалардан эса – анор, олча, гилос, бодом ва гармдори, кўкнори бошлари ва ҳоказолар тасвирланган. Шунингдек лола ва нилуфаргулга яқин бўлган гулнинг нақши кўпинча учрайди ҳамда бу гулга ўхшаш тасвир қадимги санъат асарларида ҳам бор. Бу Ўрта Осиё дарёларининг ҳосилдорлик худоси бўлган Анахита маъбудасининг рамзларидан биридир. Гуллар шакли кўриниши ҳар сафар каштачилар тасаввури билан ўзгариб борган. Нақшнинг ўсимликсимон шакллари шартли, умумлашган ва текис юзада бажарилган. Гуллар тепа ва ён қисмида тасвирланган. Гуллар ичидаги деталлар мукамал ишланиб чиқилар эди.

Шарқ халқлари санъати нақш моҳияти – қадимдан одамларнинг борлиқ ҳақидаги таассуротларини мужассамлаштирадиган – белги рамзларнинг ўзига хос тизимини намоён этади. Кашта нақшлари асосида коинот (бизни ўраб турган оламни эслатувчи), ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси бўладими, безакли ва хўжалик буюмлари ёки халқнинг этник тарихи билан боғлиқ муҳр (тамға) ва уруғ белгиси сингарилар бўлишидан

катъий, мавжуд олам тасвири ётади. Каштадўз матога нақшни туширар экан, борлиқ уйғунлиги таассуротини беришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди, албатта. Бу муаммолар кўпроқ ўрта асрлар рассомларни ташвишлантирган. Халқ усталари асл санъат хазинасига мансуб композицион жадвал ва нақшли мотивларни ўзлаштирганча, уларни бошқача тус олишида, яъни “моддий” аҳамият касб этишида ўз ҳиссасини қўшганлар. Улар бунда ҳаёт тарзи, теварак муҳит ва маиший турмуш унсурларига таянадилар. Масалан, гулли композиция она-табиатни гуллаб яшнашини гавдалантирувчи важ бўлиши мумкин.³⁰

Ҳар бир каштачилик мактаби, улардаги нақшлар қадимдан одамларнинг табиат ва унга бўлган муносабатнинг ифодаси бўлишига қарамасдан, бадий ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шунинг учун Ўзбекистон каштачилигида кўркам боғлар, чаманзорлар сингари тасвири мавзулар, яъни ўсимликсимон мавзулар етакчилик қилади. “Қадим матолардан сўзаналар шакли ва мавзуларига кириб келган, шунингдек, илк ўрта асрлар (Варахша, Панжикент) деворий суратлардаги мерос ажаблантирмайди. Гулли гулдонлар, гулдаста, ҳаёт дарахти, эртакона боғлар манзараси, дарахтлардаги қушлар, осмон ёритқичлари – буларнинг барчасида назмий рамзлар ва мажозлар янгитдан туғилади ва ёрқин эртакона жаранглайди”.³¹

Тез-тез учраб турадиган айлана бўйлаб шуъласимон йўналишда қайрилган. Нозик узун нурладан ташкил топган гирват (гирдоб)ли тўпбарггул ёки паррак (чарх) қуёш тизимидаги жисмлар рамзларининг бир кўринишидир. Гурватли тўпбарггул нур сочаётган қуёш нурларининг анъанавий рамзи ҳисобланиб, у Олд Осиё ва Ўрта Осиёдаги кўп халқларининг безак санъати (кулолчилик, тўқимачилик,

³⁰ Круковская С.М. В мире сокровищ. – Т.:1964. 56-бет.

³¹ Морозова А.С. Машинная декоративная вышивка. –Т.:1960. 45-бет.

хайкалтарошлик)да кенг тарқалган. *Ромб* қуёш тизимидаги жисмларни ифодаловчи бошқа рамзлар қатори қадим Шарқ санъатида ҳосилдорлик рамзи бўлиб келади. Таъкидлаш лозимки, ромб каштачилиги безакнинг алоҳида унсури сифатида учрамайди, лекин асосида ромб гавдаланган панжарали композицияда кенг қўлланилади. Беш қиррали юлдуз ислом маданиятида қисқа умрни, тўлин ой эса ислом рамзи сифатида гавдалантирилади. Бу мавзу кашталарда жуда кам учрайди. *Зулук* шаклида маълум бўлган “S” белгиси халқ ижодиётида анъанавий тарзда оқар сув рамзини англатади.³²

Каштада гулларни икки услубда тасвирлашган – бўйламасига кесишган гуллар, ўзаро боғлиқ бўлиб, ички тузилиш ҳамда гулнинг юқоридан “кўриш”ига имкон беришган. Бу пайтда гулнинг қиёфаси табиийсига жуда яқин, лекин шакли анча соддалаштирилган. Гул шаклларининг маъновий жиҳатларига эътиборимизни қаратамиз. Гулсавсар ислом санъатида анъанавий бўлиб, рамзий маъно англатиб келган. “Унинг юқорига томон ўсган япроқлар билан уйғунлашиб “қарама-қарши томонлар бирлиги”ни англатади”. Гулсавсарнинг шакли барғни қандайдир кўриниш ёки нарсанинг қарама-қарши хусусиятини англатади. Гулсавсар ҳам чиннигул сингари ўзининг маъновий аҳамиятини йўқотиб борган. Бироқ гулнинг шаклий хусусиятини, унинг тишли гулбарғларини кашталарда ишончли тасвирлашади.

Нилуфаргул – касбкор ва руҳиятнинг ҳалоллиги, покдомон, бегуноҳликнинг анъанавий рамзидир. *Лола* каштада тасвирланадиган бирмунча қизиқарли тасвир бўлиб, у жонбахшлиги ва тартибсиз шакли билан ажралиб туради. Бу гулнинг “тартибсиз” гулбарғларидан, ҳатто, шаклига кўра бироз ҳаёлийлаштирилган бўлса-да осонгина таниб олиш мумкин. *Бодом* ёки бунинг ўхшаш шакли “қалампир” мавзуси ҳам жуда

³² Абдуллаева Ш., турсунова Г., Мусабаева К. «Каштачилик». Ўқув қўлланмаси. Т.: 2005. 80-бет.

оммавий бўлиб, бир қанча кўринишларга эга бўлган. “Бодом”нинг турли шаклли нақшларини ўрганиб чиқиш бу нақш қисмларининг доимий тўкилиб, узилиб туришини кўрсатадики, у ўтмишда бирмунча тушунарли бўлган “тустовук” шаклидаги нақшларни хусусиятлайди. Бу мева сеҳр-жоду ва асраб-авайловчи унсур вазифасини бажариб, ҳаёт ва ҳосилдорлик рамзи ҳисобланади. Мазкур мавзунинг келиб чиқиши қушлар (қирғовул, хўроз ёки товус) қаноти рамзи сингари, шаклнинг аста-секин услублаштирилиши ва тасвирнинг маълум қисмлари йўқолиши билан вужудга келган. Масалан, унинг дўппи (каллапўшларда) қўлланилиши осмонга, юқори илоҳий оламга интилиш билан алоқадор. Шифобахшлик хусусиятига эга бўлган бу мева баҳорнинг келишини тимсоллаштиради ва мавзунинг ҳақиқий мазмуни “бодом меваси” ёки “бутун қалампир” билан мувофиқ келиши мумкин. Ҳаммадан ҳам қушларнинг шархланиши қизиқарли. Қушлар тасвирига алоқадор ҳолда, масалан, хўроз, товус сингарилар ҳам кўп маъноли шархларга эга. Булардан фақатгина қалб ҳақидаги тасаввурлар билан алоқадорликни айтиб ўтганимизда, шунингдек, қушнинг вазифаси икки олам ўртасидаги воситачи эканлиги тушунилади.³³ Марказий медальон ва ҳошияда тасвирланган қушларнинг елкасида кўчқор шохининг услублаштирилган ўзига хос шакли ўсиб чиққан. Бироқ буни каштадўз ўйлаб топмаган ва у тасодифий унсур эмас. Бундай ғаройиб қушлар тасвири Ўрта Осиё қадим ва ўрта асрлар санъатида тез-тез учрайди. Қадимда муқаддас ҳайвонлар, жумладан, антиқа қушлар ҳайкалчалари остадон (суякдон)ларда ўрнатилган ва уларнинг елкасида кичик шам учун шамдонлар бўлган ва унда олов ёқилган. Бу пайтда жонивор сақловчи муқаддас олов қуввати билан йўғрилган. Қушлар ва ҳайвонлар елкасида ўрнатилган шамдонлар лойдан

³³ Абдуллаева Ш., Турсунова Г., Мусабаева К. «Каштачилик». Ўқув қўлланмаси. Т.: 2005. 84-бет.

ясалган ўйинчоқларда ва каштачилик санъатида ҳам сақланиб қолган. Елкасида шамдон бўлган хўрозлар тасвири бало-казодан сақловчи тумор сифатида қадим давр санъатидан келиб чиққан. Умуман олганда, кашталардаги қушлар қиёфалари ўзларининг шаклий кўринишларини кўп ҳолларда йўқотганлар ва бахт қуши ҳамда хотиржамлик рамзига айланиб қолишган.

Ранглар рамзларини алоҳида таъкидлаш муҳим. Рангларнинг маълум бир рамзий маъно англатиши илк давр санъати, шунингдек, ислом санъати учун хусусиятлидир. Дўппиларнинг бой нақшинкорлиги ранг орқали эришилади. Ранг бу бадиий ифода воситаси. Дўппи устида ҳосил бўлган чокларнинг бўртмали қатори ипакнинг жилоси уйғунлигида ажойиб безакдор натижа беради. Дўппининг колористик ечимида нафақат ип ранги, фон ранги ҳам жуда аҳамиятли. Композиция контраст асосида шаклланади: чизматасвир оқ қора фонда, ва аксинча. Энг севимли услублардан бири – қора фонда чизматасвирнинг атрофи оқ тасма билан ўралиши ва аксинча оч фонда қора тасманинг қўлланилиши, бундай кўриниш хинд безакли санъатига ҳам хосдир. Ранг ечими доимо инсон кайфиятига таъсир этиб, унда турли ҳис-туйғуларни ўйғотиб келган.³⁴

Оқ ранг илоҳийлик, бахт, поклик маъносини англатади. Қизил ранг билан гуллар ва буталар тасвирланган, ҳаётни ўйғониши демакдир ҳамда химоя этувчи хусусиятга эга эканлигини англатади.

Мовий қадимги афсона ва эътиқод бўйича бахт рамзи, осмон ва сув рамзи бўлган, шунингдек, Ўрта Осиё меъморий кулолчиликда кўпроқ қўлланилган ранг. Кўк – эркак рамзи, муқаддас осмон рамзидир. Қора – дафн маросим, ёмонлик ва қайғуликни ифода этувчи ранг.³⁵

³⁴ Исаева-Юнусова Н. Таджикская вышивка. – М.: 1979. 23-бет.

³⁵ Исаева-Юнусова Н. Таджикская вышивка. – М.: 1979. 24-бет.

Шундай қилиб, дўппилардаги қадимги рамзлар бугунги кунда ўз маъносини йўқотган, аммо кўпроқ безак сифатдагина қўлланилади. Турли ранглар қўлланилиши дўппи безагини янада ифодали ва мазмунли бўлишига ёрдам беради. .

3.2. Дўппиларда қўлланилган хом ашё

Дўппиларни тикиш ва безашда асосий хом ашё сифатида - мато, иплар ва нақш безаклари.

Дўппиларнинг у ёки бу кўринишига табиий шароит ва аҳолининг этник гуруҳидан ташқари бадиий анъаналар ва хўжалик, маданиятнинг умумий ривожига таъсир этган. Сурхондарё ва Қашқадарёда думалок шаклли дўппилар ёрқин контраст ипакли иплар билан тикилса, Бухорода тилла ип билан безалган. Илк дўппилар Фарғона водийсида – Чуст, Марғилон, Андижон, Қўқонда пайдо бўлган. Дўппиларнинг Чуст дўппи, Қўқон дўппи, Андижон нусха кабиларни ҳозирги кунда фақат эркаклар кийишади.

Эркаклар дўпписи асосан қора сатин, бахмал, аёлларники- рангли ипак, бахмал ва парча каби юмшоқ мато, қаватли ипак ва бошқалардан тайёрланади. Болалар дўпписи XIX асрда оқ иплардан тўқилгани, ва юмшоқ матодан тикилгани ҳозиргача сақланган. Дўппи тўрт қисмга бўлинади, унинг икки қарама-қарши қисми учбурчак ҳосил қилади, қолган икки қисми эса улар орасига икки букланиб қатланади. Шу ҳолда янги дўппи сал намланиб, босим тагига қўйилади, натижада у маълум бир шаклга киради. Кўп ҳолларда тайёр дўппига ипак, зар ёки кумуш ипларда кашта тикилган. Қора тагликка кашта тикиш асосан Тошкентда, қисман Фарғонада XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлди, чунки бу

пайтда Россиядан Марказий Осиёга кўплаб қора рангдаги газмоллар келтирила бошланиб, танлаш имкониятини берган.

Илк дўппилар конуссимон бўлиб, ён чеккалари кенг бўлган, улар салла ичидан кийилган. Тегидан яна дўппига ўхшаш “арақчин” номли қалпоқча ҳам кийилиб, иссиқ кунларда бош қисмини терланишдан сақлаган. Бу қалпоқчалар безаксиз, натурал пахта матодан тикилган. Баланд дўппилар околиши икки қатор бўлиб безатилган: тепа қисми нақшли жияк билан, пасткиси – қора тусли бахмал ёки қора сатинли ингичка лентасимон мато билан тикиб чиқилган. Дўппилар матонинг икки ёки бир неча қатламидан иборат бўлиб, улар чокланган, ипак ёки пахта иплари билан маҳкамланган. Чок бурчакдан марказга қараб радиус бўйича қўйилган. Дўппилар шаклида оддийлик, нозик пластик ечим ва ифодавийлиги асосий бўлган. Марғилон хотин-қизлари дўппиларининг ўзига хослиги шундаки, уларнинг таглиги яхлит оқ ипларда тикилади.

1880 йилнинг бошида Ўзбекистонга Россия давлатидан рангли пахта матолар: оқ, қора, қизил ва бошқа рангдаги нақшинкор матолар кириб келган. Бундай матолар кашта ва астарни тикиш учун асосий хом ашё сифатида қўлланилган. Дўппиларни тикиш учун энг қулай мато бахмал ҳозирги кунда ҳам кўпгина вилоятларда, кам бўлсада қўлланилиб келинмоқда. Миллий маточилик санъатини ишлаб чиқариш саноати яна қайта тикланади. Маҳаллий мотивлар, ранг, халқнинг сеvimли нақшлари ва безаклари сақланиб қолинади. Пахта матолари турлари ва тўқилиши ишлаб чиқарилади. Матоларнинг – қалами, олача, астарчит, сарпинка каби турлари турли ҳудудларда хонаки тўқиш дастгоҳларида ишлаб чиқарилган.

Бош кийимлар ичида дўппини ягона нақшли қалпоқча сифатида тарқалиб кетиши, ўша вақтда аёллар орасида дўппини кийиш урф бўлганлигидан келиб чиқади. Дўппиларни кашталаш йилдан йилга қизиқиш ортади, янги нақшлар ва мотивлар қўлланилади.

1880 йилда Тошкентда турли-туман бадий йўналишлар, янги техника ва каштачилик усуллари яратилиб, бу ердан Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига тарқалади. 1950 йилларда Тошкентда икки чизик кесишган белги тикилган дўппи оммалашиб кетган эди. Унда асосий нақш белги – атиргул новдаси бўлган. Одатда атиргул тўқ қирмизи билан уйғунлашган қорамтир-қизил рангдаги ипакда тикилган. Дўппи астари кўпроқ оқранг, баъзан оч яшил рангда бўлиб, уни тўлиқ тикиш расм бўлган. Тошкентда барқутдан тикилган турли хил дўппилар учрайди, уларнинг баъзиларига майда мунчоқ ҳам қўшилган.

Дўппини безашда унинг кашта нақшлари билан бирликда унинг ажралмас қисми бўлган – жияк, дўппини бадий ифодавий кўринишини янада кучайтиради. Бухоро, Ургут, Самарқандда “зех”, Сурхондарёда “чероз” деб номланади. Жияк дўппининг атрофини беаб турувчи қисми ва қадимдан ёвуз кучлардан сақловчи тумор вазифасини ҳам бажаради. Дўппиларда қўлланиладиган жияк лентаси 35-40 см узунликда, эни 2-3 см ташкил этади.

Бажарилиш усули бўйича безакли жиякнинг 4 хили мавжуд: содда тўқиш, мураккаб тўқиш уток билан, махсус кичик дастгоҳда тўқилган “ироқи”лигиси ва мато устидан кашталанганлиги. Жиякнинг энг содда кўриниши қўл бармоғида ҳар хил иплар билан бажарилади: ип оёқнинг катта бармоғига ва чап қўлнинг бош бармоғига бир неча марта ўралади. Қўл бармоқларида илгаклар шакллантирилиб иккала қўл бармоқларига тақсимлантирилади. Бир қўлдан иккинчи қўлга ўтганда иплар бир бири билан боғланиб, ҳосил бўлган алоҳида лентасимон матолар бир бири билан тикилиб чиқилади. Бир неча рангли ленталар шу усулда яхлит нақшли композицияларни ташкил қилади.

Ҳозирги кунда Бухорода асосий ашё сифатида фабрикада ишлаб чиқариладиган симзар қўлланилади, бухоролик зардўзлар уни “каллабатун” дейишади. Зардўз дўппиларни тайёрлаш учун фақат юмшоқ

(сиёхранг, яшил, кўк, зангори, қора) баркутлар ишлатилади. Тўқилган жияк махсус “дукони кокма” номли кичик дастгоҳда бажарилади, у бир неча тўғрибурчакли тешикли пластинкалардан иборат, улар қаттиқ қоғоз ва теридан бажарилган. Улар орасидан асосий ип ўтказилади ва пластинкалар бир бири билан алмаштирилиб, иплар боғланади ва керакли нақш ҳосил бўлади. Бундай жияклар Самарқанд, Ургут, Бухорода тикилган. Жиякнинг тўртинчи кўриниши матонинг ингичка йўл-йўл мато, бутун замини “йўрма” билан махсус доирада тикилади, бу услуб Бухоро ва Ургутда тарқалган.

Нақшли жияк ҳосилдорлик рамзи ва ҳимоя кучига эга. Асосан турли чизиқлардан иборат геометрик нақш, доира, тўғрибурчак ва учбурчак, трапециялигиси мавжуд.³⁶ Дўппининг лентасимон гардишида доимо “ислимий” нақш қўлланилади, бу тўлқинсимон ислимий нақш ўзбек санъатининг классик мотиви бўлган. Безакли ленталар четидан ингичка гардишлари «мижжа», «турна», «қовурға», “сув” деб номланиб, турли рангларда - кўк, мовий, кулранг ва лал рангида бўлади. Бухоро дўппилари гардишида “бодом”, Ургутда “морипечон” – эгилган илон, “булбул кўзи”, “маржонча” – кичик маржон тошлари, Самарқанд дўппиларида – мушук кўзи, шабака –тўрли билакузук, Бойсунда – “мугуз”- шох, “занзира” – тақинчоқ ва бошқа нақшлар қўлланилади. Дўппининг чети қора бахмал ёки сатин матосининг ингичка йўл-йўл мато билан тикиб чиқилади. Унда нақшлар мотиви тилла ва кумуш иплар билан кашталанган (“зеҳи курта”). Улар дўппида ўзига хос вазифаларни бажарган - эгасининг юқори табақага мансублигини, нима сабабдан бу дўппи кийилгани ва ҳ. “Йўрма” нақши кўпинча жияклар ва нақшлар тарҳини ажратиш учун қўлланилади.

³⁶ Богословская И., Левтеева Л. “Тюбетейки Узбекистана XIX –XX веков”. – Т.: 2007. 10-11 бетлар.

Шундай қилиб, дўппининг барча элементлари – ранг, чизиқ, рамзий белги ўзига хос маънога эга - ҳаёт ва ўлим, нур ва соя, замин ва осмон, яхшилик ва ёмонлик ва бошқа маъноларни билдиради.

Ўзбекистон Амалий санъат музейида йирик миллий газламалар коллекциясида уй дастгоҳи ва тикув машинада ипак, яримипак ва пахта толаларидан тўқилган матолар намуналарини кўрамиз. Миллий газламалар коллекциясида Марғилон, Наманган, Қўқон, Самарқанд, Уйчи, Косонсой, Шахрихон, Бойсун фабрикаларида тўқилган атлас, адрас, бекасам, бахмал, шои нусхалари, Бухоро шойилари, Хоразм адрасларининг хилма-хил, ранг-баранг нусхалари мавжуд. Буларнинг барчаси XIX-XX асрга оид дўппиларнинг қандай матолардан тўқилганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Бу матолар барчаси дўппининг безакли қисмлари– астари, жияк ва бошқаларни бажаришда қўлланилган.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Мустақил давлат деб эълон қилинган дастлабки кунларданок Президентимиз И.А.Каримов халқимизнинг собиқ шўролар даврида эътибордан четда қолган ўзига хос қадриятларни чуқур ва атрофлича ўрганишга аҳамият бериб, уни тиклаш, ундан халқни кенг манфаатдор қилиш тамойилларини ишлаб чиқди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ислоҳатлар ўтказиш, жумладан маънавий ва маърифий соҳада, халқ тизими соҳасида улкан ишларни амалга оширишга киришилди.

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги амалий санъат намуналарининг энг катта қисми асосан Тошкентдаги Ўзбекистон Амалий санъати музейи коллекциясида сақланиб жаҳон эътиборини жалб этмоқда. Коллекция мазмунан жуда бой, амалий санъатнинг барча турлари намойиш этилган. Бу ноёб коллекция Ўзбекистон амалий безак санъатида турли марказ ва мактабларнинг шаклланишини озми-кўпми очиб беришга хизмат қила олади. Дўппидўзлик санъати тарихини ўзбек либосининг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқиш, ўзбек халқ амалий санъатининг анъанавий кўриниши билан танишиб чиқилди.

Музей 1937 йилда хонаки ҳунармандчилик вақтли кўرғазмаси асосида ташкил этилган. Музей Ўзбекистон халқ амалий санъати ноёб дурдоналарининг бой ва йирик хазинасидир. Унинг захираси ва экспозициясида 7 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд. Музей тўплами катта бадий ва маърифий аҳамиятга эга, у XIX – XX асрларда ривожланган бадий ҳунармандчилик тарихи ҳақида баён қилади. Музей коллекциясида Ўзбекистон халқ усталарининг кўплаб авлоди, уларнинг ижоди билан танишиш имконини беради. Коллекция таркибида бадий кашта, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, маточилик, гиламдўзлик, мисгарлик, заргарлик ва амалий санъатнинг бошқа ноёб намуналари ўрин олган.

Музей тўплами асосида Ўзбекистон ҳудудидаги бадиий мактабларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг бир-биридан фарқи ўрганиб чиқилди. Музейда мавжуд дўппидўзлик асарлар ҳар бирининг ҳудудий хусусияти, бадиий шакли, нақш унсурлари ва хом ашёси таҳлил этилди. Айни шу даврда амалий санъатда янги мактаблар ривожланиши ва ҳар бир ҳудудда ўзининг услуби ва кўриниши шаклланди. Бу жараёни ўрганилиши, тадқиқ этилиши бу даврда яратилган асарларни тўла билишга боғлиқ, ваҳоланки бугунги кунгача XIX - XX асрга оид кўпгина амалий санъат намуналари мутахассислар учун ноъмалум бўлиб, музей захираларида сақланмоқда. Чунончи, дўппидўзлик асарларини ўрганиш жараёни бу йирик санъатнинг тўғри ва объектив ечилишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда каштачилик халқ амалий санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади. Кашта тикилган буюмлар аҳоли уйларини безайди. Чиройли тикилган дўппи ўзбек эркак ва хотин-қизлари, болаларнинг ҳозирги замон кийимларига ўзига хос жозиба бериб туради ва миллий кийимнинг бир қисмини ташкил этади.

Ўзбекистонда ривожланган ҳар бир каштачилик мактаби (Бухоро, Марғилон, Шаҳрисабз, Ургут, Бойсун, Хива, Андижон, Чуст, Тошкент), улардаги нақшлар қадимдан одамларнинг табиат ва унга бўлган муносабатининг ифодаси бўлишига қарамасдан, бадиий ўзига хослиги билан ажралиб туради. Дўппиларнинг хилма-хиллиги - куббасимон, тўртбурчак, думалоқ, гумбазсимон шакллари, уларнинг кашта безакларининг бойлиги, баъзан тўрсимон, баъзан йирик рельефли, баъзан гиламга ўхшаш тус олиши, одми оқ-қорадан тортиб камалаксимон жилоланишигача рангларининг анвойи товланиши - ўзбек бош кийимининг хилма-хиллигини кўрсатади. Умуман, XIX аср ва XX асрнинг бошларида дўппиларда ҳар хил маҳаллий хусусиятлари шу қадар аниқ берилганки, уни кийган кишининг асли қаерданлигини аниқлаш осон бўлган.

Дўппи тикиш санъати билан азалдан асосан, хотин-қизлар шуғулланиб келишган, кўпчилик нақшларни улар яратишган. Ҳар бир чевар нафақат маълум бир андозани такрорлаган, балки, тез-тез ўзича нақш композициясини ўзгартириб, унинг ранг тусини алмаштириб борган, бу эса дўппига алоҳида ҳусн бағишлаган. Шундай қилиб, анъаналашган сари бу санъат авлоддан авлодга ўтиб, дўппиларнинг кашталарида ранг-баранг ва бетакрор нақшлар пайдо бўлиб борган.

Ўзбек каштачилик санъатида учрайдиган безак унсурлари реал дунёни тасвир этиб, уни англашнинг ўзига хос воситаси, шакл ва ранг мукамаллигидан ҳайратланиш ифодаси ҳисобланади. Дўппи каштасида атиргул, гулсафсар, чиннигул, лола, кўкнори, гултожихўроз, олма гули каби гул турлари, бодом, чарос, қалампир, анор сингари мевалар тасвирланади. Ўсимликсимон нақшлар, тустовуқ, хўроз, булбул каби рангни қушлар тасвирлари билан кўшимча тўлдирилган. Қушлар шакллари ёрқин безакларда берилган. Улар ўз услубига кўра нақшлар билан яхлит, уйғунлашган. Чизгилар гарчи шартли бўлсада, уларда тасвирларни осон билиб олиш мумкин. Бодом ёки бунинг ўхшаш шакли “қалампир” мавзуси ҳам жуда оммавий бўлиб, бир қанча кўринишларга эга бўлган. “Бодом”нинг турли шаклли нақшларини ўрганиб чиқиш бу нақш қисмларининг доимий тўкилиб, узилиб туришини кўрсатадики, у ўтмишда бирмунча тушунарли бўлган “тустовуқ” шаклидаги нақшларни хусусиятлайди.

Ранглар рамзларини алоҳида таъкидлаш муҳим. Рангларнинг маълум бир рамзий маъно англатиши илк давр санъати, шунингдек, ислом санъати учун хусусиятлидир. Дўппиларнинг бой нақшинкорлиги ранг орқали эришилади. Ранг бу бадий ифода воситаси. Дўппи устида ҳосил бўлган чокларнинг бўртмали қатори ипакнинг жилоси уйғунлигида ажойиб безакдор натижа беради. Энг севимли услублардан бири – қора фонда чизматасвирнинг атрофи оқ тасма билан ўралиши ва аксинча оч фонда қора

тасманинг қўлланилишидадир. Ранг ечими доимо инсон кайфиятига таъсир этиб, унда турли ҳис-туйғуларни ўйғотиб келган.

Хулоса қилиб айтиш керакки, Ўзбекистон ҳудудида асрлар давомида халқ бадиий ҳунармандчилигининг ўзига хос йирик марказлари шаклланган. Ҳар бир ҳудуд ўзининг бадиий безак санъати билан бошқалардан ажралиб турган. Дўппидўзлик санъати ҳам жуда қизиқарли ва қадимий санъат турларидан бири ҳисобланиб, асрлар давомида ардоқланган ҳолда мерос бўлиб келмоқда. Ҳозирги пайтда Республикамизнинг кўпгина туманларидаги бадиий буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда турли хил дўппилар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, бу касб билан хусусий тарзда жуда кўплаб малакали чеварлар шуғулланади. Ҳар икки жабҳада ҳам маҳаллий шароитда шаклланган нақшлару чизмалар кенг фойдаланилмоқда.

Ранг-баранг нақшларга бой дўппилар нафақат ўзбек халқ анъанавий миллий либоси, халқ санъатининг оммавий турларидан бири, балки миллий колоритга йўғрилган замонавий кийим бош сифатида ҳам яшаб қолди. Биз ушбу диссертациямизда ҳали яхши ўрганилмаган амалий санъат тури дўппидўзлик санъатини тарихи, бугунги кундаги ривожини музей коллекцияси мисолида таҳлил этиб, кенг равишда ўрганиб чиқдик ва мавзу келажакда турли телекўрсатув, бадиий кўргазмалар, умуман халқимизнинг миллий анъаналари, урф-одатларини тиклаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган вазифаларда яхши манба бўлиб хизмат қилишига умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Расмий китоблар:

- 1.1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. —Т.: Ўзбекистон, 1994.
- 1.2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.—Т.:Ўзбекистон, 1997.
- 1.4. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
- 1.5. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.

2. Фундаментал адабиётлар:

- 2.1. Абдуллаева Ш., Турсунова Г., Мусабоева К. Каштачилик. Тикиш ва безаклар бўйича ўқув қўлланма. – Т.: 2005.
- 2.2. Акилова К. Народное декоративно-прикладное искусство Узбекистана. XX век. – Алматы: PRINT-S, 2005. – 288 с.
- 2.3. Бабаджанова Г.И Восприятие пространственных искусств – Т.:2003.
- 2.4. Богословская И., Левтеева Л. Тюрбетейки Узбекистана XIX-XX веков. – Т.: 2007.
- 2.5. Всеобщая история искусств. Искусство XX в. – М.: 1965.Т4, кн.1.
- 2.6. Гончарова П.А. Золотошвейное искусство Бухары. – Т.: изд-во лит-ры и иск-ва им. Г. Гуляма, 1986.
- 2.7. Григорьев Г. Тус-тупи. // Искусство. – М.: 1937.- №1.- 143 с.
- 2.8. Земская М.И. Александр Волков. Мастер «Гранатовой чайханы». – М.:

- 1975.
- 2.9. Исаева-Юнусова Н. Таджикская вышивка. –М.: 1979.
- 2.10. Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. Коллектив авторов. – М.: 1976.
- 2.11. Круковская С.М. В мире сокровищ. – Т.: 1964.
- 2.12. Культурология: учебник / под ред. Ю.Н.Солониной, М.С.Кагана. – М.: Высшее образование, 2008. – 566 с.
- 2.13. Моран Анри де. История декоративно-прикладного искусства. –М.: Искусство, 1982.
- 2.14. Морозова А.С. Машинная декоративная вышивка. –Т.: 1960.
- 2.15. Морозова А.С. Народное декоративно – прикладное искусство Узбекистана. – Т.: 1952.
- 2.16. Морозова А.С. Народное декоративно – прикладное искусство Ферганской долины и его мастера. – Т.: 1953.
- 2.17. Морозова А.С. Народное декоративно – прикладное искусство Каракалпакской АССР и его мастера. – Т.: 1951.
- 2.18. Морозова А.С. Народное декоративно – прикладное искусство Хорезмской области и его мастера. – Т.: 1952.
- 2.19. Музееведения. – М.:1989.
- 2.20. Музей прикладного искусства. – Т.: 2000-е гг.
- 2.21. Музеология: Пособие для вузов / Сотникова С.И.–М.: Дрофа,2004.-192с.
- 2.22. Народное искусство Узбекистана. Вступ.ст. Морозовой А.С., Аведовой Н.А., Махкамовой С.М. – Т.: Изд-во лит-ры и иск-ва им. Г. Гуляма, 1979.
- 2.23. Н.А., Махкамовой С.М. – Т.: Изд-во лит-ры и иск-ва им. Г. Гуляма, 1979.
- 2.24. Рассудова Р.Ф. Узбекский художественный шов. – Т.:1961.
- 2.25. Ремпель Л.И. Искусство Среднего Востока. – М.:Советский художник, 1978.
- 2.26. Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. – Т.:1975.
- 2.27. Садыкова Н.С.Национальная одежда узбеков XIX –XX вв. – Т.:

- 2001,2003.
- 2.28. Семёнов А.А. Ташкентский шейх Хавенд-Тахур (Шейх-Антаур) и приписываемый ему кулях. // Протоколы Ташкентского кружка любителей археологии. XX в. Вып. I. – Т.: 1954.
 - 2.29. Турсуналиев К. Все цвета радуги. (Тюбетейки и головные уборы узбеков XIX – XX вв.). – Т.: 1991.
 - 2.30. Ундерева Л. В. Узбекская народная одежда конца XIX-XX вв. – Т.: Фан, 1994.
 - 2.31. Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Т.: Изд-во литературы и искусства имени Г. Гуляма, 1972.
 - 2.32. Хакимов А.А. Современное декоративное искусство республик Средней Азии. – Т.: Фан, 1988.
 - 2.33. Хакимов А.А. Ўзбекистон санъати. – Т.: 2001.
 - 2.34. Чепелевецкая Г.Л. Сузани Узбекистана. – Т.: Гослитиздат, 1987.– 160 с.
 - 2.35. Шляхтина Л.М. Основы музейного дела. Теория и практика. – М.: 2005.
 - 2.36. Юренева Т. Ю. Музееведение. Учебник высшей школы М.: Академический Проект, 2003.
 - 2.37. “Ўзбекистон халқ амалий безак санъати”. – Т.: 1975.

3. Мақолалар:

- 3.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги 1913-сонли “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, 1998 йил 5 декабрдаги “Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари”га оид 98-сонли Қарор. /Мозийдан садо/ 1999. № 1-2. 26.
- 3.2. Богословская И., Левтеева Л. Такие разные тюбетейки / Вечерний Ташкент/ 1997.
- 3.3. Богословская И., Левтеева Л. Ўзбекистон дўппилари /Миллий

тикланиш/ 1997. 26 апрель.


- 3.4. Богословская И., Левтеева Л. Нақшин дўппилар сеҳри /Санъат/ 1999. №1.
- 3.5. Ибрагимова Н.И. Хайрат олами. /Мозийдан садо/1999. №1-2.
- 3.6. Исмаилова Э. К семантике мотива цветка в вазе. / Санъат /. 1999. № 2
- 3.7. Исмаилова Э. К семантике тюбетейки-доппи. / Санъат /. 2000. № 1.
- 3.8. Хакимов А.А. Миф ва ҳақиқат. /Санъат/ 1998. № 1-3.

ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР РЎЙХАТИ:

1. Амалий санъат музейидаги очик айвоннинг кўриниши.
2. Амалий санъат музейи бош хазинабони К. Турсуналиев билан фонддаги иш жараёни устида
3. Аёллар дўпписи. Қўл каштачилиги. Хива. XIX аср охр.
4. Аёллар дўпписи. Қўл каштачилиги. Хива. XX аср бош.
5. Эркаклар “Қирқоёқ” дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма”. Самарқанд. XX аср бош.
6. Эркаклар “Оқ пар” дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма”. Самарқанд. 1950 й.
7. Эркаклар дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма ва кандахаёл”. Самарқанд. 1940-50 йй.
8. Эркаклар “Чоргул” дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма”. Самарқанд. 1957 й.
9. “Хуршид” дўпписи. Қўл каштачилиги. Зардўзлик - “гулдўзи”, “заминдўзи”, “йўрма”. Бухоро. 1939 й.
10. Аёллар дўпписи. Қўл каштачилиги. Зардўзлик - “заминдўзи”. Бухоро. 1940 й.
11. Эркаклар “Чуст” дўпписи. Қўл каштачилиги. Зардўзлик - “гулдўзи”. Бухоро. 1950 й.
12. Аёллар “Кандакори” дўпписи. Қўл каштачилиги. Зардўзлик - “зардўзи-заминдўзи”. Бухоро. 1956 й.
13. Қизлар “Тагдўзи-ўткур” дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма”, “чакма тўр”, “хомдўзи”. Тошкент. 1940-50 йй.
14. Аёллар “Ироқи” дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма”. Тошкент. 1950 й.
15. Эркаклар дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма” Тошкент. 1950 й.
16. Эркаклар “Чоргул” дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма” Тошкент.

- 1965 й.
17. Эркаклар дўпписи. Қўл каштачилиги. Андижон. 1940 й.
 18. Аёллар “Ироқи” дўпписи. Қўл каштачилиги. Андижон. 1960-80 йй.
 19. Эркаклар дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма”, “йўрма”. Чуст ва Марғилон. 1950-80 йй.
 20. Аёллар “Ироқи” дўпписи. Машина каштачилиги. Фарғона. 1980 й.
 21. Аёллар “Пахта” дўпписи. Қўл каштачилиги. Марғилон. 1980 й.
 22. Аёллар дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма”, “йўрма”. Қўқон. 1920 й.
 23. Эркаклар дўпписи. Каштасиз. Бойсун. 1940 й
 24. Эркаклар дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма”. Бойсун. 1940 й.
 25. Эркаклар дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма”, “илмоқ”. Бойсун. 1950 й.
 26. Аёллар дўпписи. Қўл каштачилиги. Бойсун. 1950 й.
 27. Эркаклар дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма”. Бойсун. 1958 й.
 28. Эркаклар дўпписи. Қўл каштачилиги. “Пилтадўзи”, “тўлдирма”. Бойсун. 1980-90 йй.
 29. Эркаклар “Санама” дўпписи. Қўл каштачилиги. Шаҳрисабз. 1950 йй.
 30. Аёллар дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма”, “йўрма”. Ургут. 1940 й.
 31. Аёллар дўпписи. Қўл каштачилиги. “Босма”, “йўрма”. Ургут. 1971 й.
 32. Кашта чокларининг услуоби ва усуллари.
 33. Кашта чокларининг услуоби ва усуллари.
 34. Кичик кашта дастгохи – пяльци.
 35. Дўппини қоғоз билан тўлдириш учун махсус асбоб.
 36. Дўппи (заготовка) хом ашёси: ичи, гардиши.
 37. Дўппи (заготовка) хом ашёси: ичи, гардиши.
 38. Дўппи тайёрлаш жараёни. Бойсун.
 39. Дўппи тайёрлаш жараёни. Марғилон.

ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР



1-расм



2-расм



3-расм



4-расм



5-расм



6-расм



7-расм



8-расм



9-расм



10-расм



11-расм



12-расм



13-расм



14-расм



15-расм



16-расм



17-расм



18-расм



19-рaсм



20-расм



21-расм



22-расм



23-расм



24-расм



25-расм



26-расм



27-расм



28-расм



29-расм




30-расм



31-расм

Виды швов:



а) "босма"



б) "босма" (1-ый вариант)



в) "босма" (2-ой вариант)




г) "захмаш дароз"




д) "захмаш лунда"




е) "донча" или "зирадузи"



ж) "канда хаёл" (1-ый вариант)




з) "канда хаёл" (2-ой вариант)



и) "чинда хаёл" или "дурун"







к) "илмок дугарафа" (1-ый вариант)




л) "илмок дугарафа" (2-ой вариант)



м) "илмок яктарафа" (1-ый вариант)




н) "илмок яктарафа" (2-ой вариант)



о) "хомдўзи"



п) "йурма", "юрма"



р) "ироки"




с) "чамак"



т) фрагмент вышивки

33-расм



34-расм



35-расм



36-расм



37-расм



38-расм



39-расм

АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

Алача – хонаки пахта ёки яримипак йўл-йўл мато.

Ароқчин – эркаклар тунги дўпписи.

Атлас – ипак мато ёрқин абрли узорли.

Баргак – 1. аёл пешана безаги; 2. кашта унсури.

Босма – матога гул босиш, муҳр. Безак кашталарда қўлланиладиган чокнинг номи.

Бодом – бодом, нақш безагининг номи.

Гулбахмал – нақш безагининг номи.

Гириҳ – муракаб геометрик нақш.

Жойпўш – келин-куёвнинг ёпиниб ётадиган гулли чойшаб.

Жияк – дўппи кизакини безатувчи каштали тасма.

Зардўзи-заминдўзи – тилла иплар билан тикилган мато.

Дорпеч- деворнинг юқори қисмини безаш учун қўлланиладиган безакли мато.

Илмоқ – кашта тикишда қўлланиладиган чокнинг номи.

Ироқи – бутсимон баҳия қилиб ёки ярим бутсимон шаклда тикиш.

Ислими- жимжима чизиқли безак (тожикчадан)

Илон изи – нақш унсури, илон изи.

Қаламфур – (тожикча қалампир, кизил гармдори) нақш безагининг номи.

Кандахаёл – (тожикча “қандан” – узиш сўзидан олинган). Оралатиб, жой ташлаб-ташлаб тикиш усулини ва чокнинг номини билдиради.

Каллапўш – жанубий ҳудудларда шундай ном билан аталувчи бош кийим.

Калтапўшак – аёллар бош кийими, 30-40 смга тушувчи нақосник билан.

Кизак – дўппи ёни

Кокила – дўппини безаб турувчи попук, нақш унсури.

Кошини-кашта бордюридаги нақш унсури.

Кулоҳ – эркакларни конуссимон қалпоғи

Кўз – кўзлар, каштада нақш унсури
Кўптирма – бўртмали, чок услуоби.
Кирпечпалак – XX аср бошларидаги кирпеч (ғишт) нинг номи бўлиб, сидирға чок билан тикилади.
Меҳроб – дўппи кизакида оммавий нақш, равоқ.
Моҳ - каштада қўлланиладиган доирасимон безак номи.
Нимсўзана – ним (тожикчадан) - ярим. Нурота ва Бухорода девор беаги учун ишлатиладиган кичик безакли кашта.
Ой – доирасимон шаклдаги кашта беаги.
Палак – Тошкентда доирасимон безак ва юлдузлар билан тикилган безакли каштанинг аталиши.
Панжара – дўппи атрофи, нақш ичида қўлланилади.
Пилтадўзи – дўппи тепаси ва астарига пахтачалар киргизилиб, чокланади.
Санама- тикиш, кашталанганда чокларни санаш.
Санама ироқи – хочсимон кашта, матога чизилмасдан тушириладиган нақш.
Сўзана – (тожикча сўзан – нина демакдир). Келин тушадиган уй деворларини безашда ишлатилади.
Тагдўзи – замини ва нақши битта узорда бажарилади.
Тароқ – тароқ, нақш унсури.
Тахя – Хоразмда нақшсиз дўппи.
Телпак – иссиқ қалпоқ, мўйнали.
Тепа - дўппи тепаси, ички қисми.
Тилла баргак – аёллар пешона беаги, кашта нақши.
Тўлдирма – тўлдириш, дўппи замини нақш билан тўлдириш
Хомдўзи – хом ипак билан икки томонлама гул солиб тикилган чок (тожикчадан).
Чакматур – заминини майда нуқтали нақшлар, катакни ҳосил қилади.
Чалма – жияк, дўппи атрофига ишлатилади.
Чамак – русча “козлик” чокига ўхшаш, дўппи кизакида ишлатилади.

Чизма чақмоқ - чизилган чақмоқ нақши , ялтироқ нақш.

Чизма - тайёр чизилган нақш

Чизмакаш – кашта гулларини чизувчи рассом.

Чиндахаёл – 1. икки томонли бахя (тож); 2. Нурота каштаси нақшининг гул беаги.

Чоргул – тўртта гул, дўппи нақши

Шабпўш – думалоқ тунги дўппи каштасиз.

Шох – ўсимликсимон тасвир унсури.

Қайрилма барг занжира – қайрилган баргалар тасвири дўппида

Қалампир – дўппида анаъанавий қалампир нақши

Қош - дўппида қошга ўхшаш нақш

Қўбба – кубба, куббасимон нақш

Қўбба занжира – каштада занжирга ўхшаш куббасимон нақш

Қўнғиз – қўнғизсимон нақш

Қўчқароқ – қўчқор шохини эслатувчи нақш унсури.

Шонахалта – тароқ халта (тож).

Юлдуз – нақш унсурларидан бири.

Йўрма – “йўрма” чок.